

«ҲОКИМЛАРНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИ, ҚАНДАЙ ОҒИР БЎЛМАСИН, ШУ КУНГА КЕЛАМИЗ»

3.

YouTube Facebook @Xolisnazar

Instagram Telegram @Xolis_nazar

www.mahalladosh.uz

Маҳалла



№ 25
(2007)
2021 йил 19 июнь



Иллюстратив сурат

**ХУСУСИЙ ЁТОҚХОНАЛАР
ТАЛАБАЛАР МУАММОСИНИ
ҲАЛ ҚИЛА ОЛАДИМИ?** 4.



**ЎЗБЕК ФУТБОЛИ
БОШҚАЛАРНИ ХАФА
ҚИЛМАСЛИК УЧУН КЕРАКМИ?** 13.



**УЯТ ДЕБ БИЛСАНГИЗ, БУ
МАҚОЛАНИ ЎҚИМАНГ!** 19.

«ЯХШИЯМКИ, ТАЪЛИМ СИФАТИ ПАСТ ЭКАН...»

18.

**МЕТРОПОЛИТЕН РАҲБАРИ ЎЗГАРДИ:
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
СИФАТИ ҲАМ
ЎЗГАРАДИМИ?** 7.



**БЎЙДОҚЛАР ЭНДИ
КОВУШГА КАРТОШКА
СОЛАДИМИ?** 8.



**МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР
ҚАЧОНГАЧА
УСТИМИЗДАН КУЛАДИ?** 22.

ПРЕЗИДЕНТ: «ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КУЧИ — МАҲАЛЛАДА»

Президент Шавкат Мирзиёев 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари янги корхоналар, фермер хўжаликлари фаолияти билан танишди, маҳаллаларда бўлиб, оддий одамлар билан суҳбатлашди, ҳудуд фаоллари йиғилишида қатнашди.

«Одамлар ислоҳотларнинг фойдасини сезяптими?»

Президент Избоскан туманидаги «Рустамжон замин ривож» фермер хўжалиги даласида ғалла ҳосилини кўрди. Шу ернинг ўзида вилоят фермерлари, ёшлар вакиллари билан мулоқот бўлди.

— Бугун Андижонга келишимдан мақсад — одамлар ислоҳотларнинг фойдасини сезяптими, рўзғорида ўзгариш бўлди, халқни рози қилиш учун яна нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб топиш. Юриб кўряман, албатта, ўзгариш бор. Лекин бу бизни қониқтирмайди. Янада кўпроқ ишчи жойлар, маҳаллаларда шароитлар қилишимиз керак. Ислоҳотларнинг кучи — маҳаллада, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳар бир хонадонга бизнес-режа ёзиб берилади

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманидаги «Урганжи» маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди. Маҳаллада 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга 10 сотихдан ер ажратилди. Маҳалладаги 150 та хонадонга 50 бошдан парранда берилиб, ўзини ўзи банд қилиши таъминланган.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Қурбонали Ўринбоев

хонадонига бўлиб, яшаш шароитлари, паррандачилигини кўздан кечирди. Маҳалла вакиллари билан дилдан суҳбат бўлди.

— Энди ҳар бир хонадоннинг имкониятидан келиб чиқиб, бизнес-режа ёзиб берилади. Давлат ташкилотлари шароит яратади. Ҳозирги замонга муносиб бўлиб, меҳнат қилмасак, ниятимизга етолмаймиз. Худонинг ўзи меҳнатга, ҳаракатга яраша ажрини беради, — деди Президент.

Андижонда метро қурилади...(ми?)

Андижон туманида Шавкат Мирзиёев иштирокида янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди.

— Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан бери ўзимни қийнайман. Чун-



га киришдик. Бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилади, 450 мингдан зиёд аҳоли яшайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз 2022 йил 1 мартдан бошлаб Андижон шаҳри таркибига «Янги Андижон» тумани ташкил этилишини маълум қилди. Шаҳарда тезкор транспорт қатнови йўлга қўйилади.

— «Янги Андижон»да «Damas» бўлмади. У ерда ер усти ёки ер ости метро-сини қуриш бўйича ҳисоб-китоблар қилинади. Маъқулини қураимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 октябрига қадар Ан-



ки ер кам, уйларга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир нечта келин қайнонаси билан яшаётган оилалар кўп. Шунинг учун узокни ўйлаб, янги шаҳар қуриш-

дижон вилоятининг 480 та маҳалласидаги 1 минг 375 километр ички йўллар ва 6 та кўприкни қайта қуриш ва таъмирлаш якунланиши керак. Давлат раҳбари бунинг учун 450 миллиард сўм ажратилишини таъкидлаб ўтди ва йўл қурувчиларидан ўз ишларига масъулият билан ёндашишни талаб қилди.

— 2016 йилда йўл қурилиши учун вилоятга 9 миллиард сўм ажратилган эди. Жорий йилда бунинг учун 450 миллиард сўм сарфланади. Фарқи борми? Энди асосий масала — ушбу маблағни масъулият билан сарфлаб, сифатли йўл қуришдан иборат. Йўл-

ресурс ажратамиз, — деди Президент.

Докторлар нега ортиқча дори ёзиб беради?

Президент ўз нутқида соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратди ва шифокорлар орасида ўз касбига масъулиятсизлик билан қарайдиганлари ҳам борлигини айтиб ўтди.



ни биров учун қургандек қилиб, наридан бери қилиб қуриб кетиш бўлмасин. Халқ рози бўлсин. «Йўлчиларга инсоф битгани рост бўлсин», деган гапларни айтсин, — деди давлат раҳбари.

200 та маҳаллага 400 млрд. сўм ажратилади

18 июнь куни Президент раислигида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таъкидланишича, Андижондаги 200 та маҳаллага 400 млрд. сўм ажратилади. Иқтисодий комплекс ва тижорат банклари барча ходимлари идорага кирмасдан уч ой ичида мазкур маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг турмуш шароити, истак-хоҳиши ва имкониятларини ўрганиб чиқиши белгиланди. Шунга кўра, уларга ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун бизнес-режа қилиб беради.

— Умуман тадбиркорлик қўлидан келмайдиган оилаларга 100 тадан товуқ берилади. Бундай тадбиркорларга банклар томонидан 3 йил муддатга 10 фоиздан кредит ажратилади ва улардан гаров талаб қилинмайди. Бу кредитлар учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кафиллик беради. Бу мақсадлар учун 200 та маҳаллага 400 млрд. сўм

— Баъзи шифокорлар беморга ҳаддан ортиқ кўп дори ёзиб беради. Бунга қанақа эҳтиёж бор? Буларнинг ҳаммаси билимсизликдан. Сал ҳисоб-китоб қилсак, докторлар ёзиб бераётган дориларнинг камида 50 фоизи бесамар эканини кўраимиз. Сал нарсага ҳам антибиотиклар тайинлашади. Албатта, коронавирус пандемияси вақтида фидойилик кўрсатган шифокорларга раҳмат айтаемиз, Сиз коронавирусга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатдингиз. Аммо биз одамларимиз соғлигини дастлабки босқичдаёқ асрашимиз лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

«Менга насиҳат қилувчилар керак эмас...»

Андижон иқтисодий комплексининг 5700 нафар ишчиси шартли ишдан бўшатилди, уларга 3 ой синов муддати берилди.

— Уларга 3 ой синов муддати берилади, агар аравани торта олса, ишга тикланади, ойлигини ҳам берамиз, керак бўлса, мукофот ҳам берамиз. Қани, улар ҳам муаммоларни ўзларидан ҳис қилиб кўрсин. Менга насиҳат қилувчилар керак эмас, натижа кўрсатувчи ижро органи керак, — деди Президент.

Таҳририят.



Яқинда Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев сайловлар тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги ҳужжатни имзолади.

«ҲОКИМЛАРНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИ, ҚАНДАЙ ОҒИР БЎЛМАСИН, ШУ КУНГА КЕЛАМИЗ»

Унга кўра, мамлакатдаги барча туманга бўйсунувчи шаҳарлар, қишлоқлар, посёлкалар ва қишлоқ округлари маъмуриятларининг раҳбарлари (акимлар) тўғридан-тўғри аҳоли томонидан сайланиши жорий қилинмоқда. Номзодлар бирор партиядан ёки мустақил равишда илгари сурилиши мумкин. Шундай қилиб, Қозоғистонда 2021 йилнинг иккинчи ярмидаёқ 836 та маъмурий бирликда акимларнинг тўғридан-тўғри сайлови бўлиб ўтади.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда ҳам ҳокимларни халқ томонидан сайлаш тартибини жорий қилиш кераклиги масаласи бир неча марта кўтарилди. Аммо ҳозирча бунга эришилгани йўқ. Ҳатто Президент Шавкат Мирзиёев ҳам бу ҳақда бир неча бор таъкидлаб ўтган. Жумладан, куни кеча давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига



ташрифи чоғида: «*Барибир вилоят, туман, шаҳар ҳокимларини халқ сайлайди, қандай оғир бўлмасин, шу кунга келамиз. Халқ жойлардаги ҳокимият вакилларидан ҳисобот талаб қилса, вазият ўзгаради*» деди. Ҳўш, ҳокимларни сайлаш вақти келмадими?

Бошқарув тизими ўзгариши керак...

Тан олиш керак, ўтган йиллардаги

тажриба шуни кўрсатдики, ҳокимларни тайинлаш тизими ўзини у даражада оқламапти. Тизим ўсишга, юксалишга хизмат қилмапти. Сабаби жуда оддий: вилоят ҳокимлари Президентга, шаҳар-туман ҳокимлари эса вилоят ҳокимига яхши кўринишининг пайида. Ҳозирда ҳар қандай ҳоким исталган қарорни қабул қилишда, биринчи навбатда, ўзига берадиган саволи: «тепа»дан гап эшитиб қолмайманми?» бўлади. Халқ сайлаган ҳокимлар қарор қабул қилишда ўзига берадиган биринчи савол эса: «халққа нима манфаат?», дейишдан бошланади.

Ҳокимларни сайлаш жорий қилинса, давлат бошқарув тизими тўлиқ ўзгариши керак бўлади. Вертикал муносабатлардан горизонтал бошқарув муносабатларига ўтилади. Туман ҳокими сайлангач, у олдинги каби бевосита ва тўлиқ вилоят ҳокимига бўйсунуши мантиқан ва сиёсан тўғри

бўлмайди. Сайланган ҳоким, аввало, юқори турувчи ташкилотлар билан имкон қадар тенг, очик ва самимий мулоқотларни шакллантириш пайида бўлади.

Албатта, ҳокимларни сайлаш жараёни жуда катта интеллектуал ва сиёсий вазифа ҳисобланади. Бироқ бугун ривожланиш учун бошқа йўл ҳам йўқ. Президент маҳалла раисларини адолатли сайлай олмаганимизга урғу берганди. Бу — ўша сайлов тизимида муаммо борлигини кўрсатади. Бизда барча сайловларда муаммо бор. Муаммо — сайловларда очиклик, шаффофлик, рақобат йўқлиги, сайловлар замирида ижтимоий муаммоларни очиш ва ечим излаш эмас, уларни четлаб ўтиш зехниятидир.

Ҳокимларни сайлашни йўлга қўйиб, муаммоларни ечиш ҳам ёки уларни кучайтириш ҳам мумкин. Барчаси сайлов тизимида, муддатларига, жамият бу сайловларни қандай

қабул қилишига боғлиқ. Масалан, айтиш керакки, бир ой давом этган сайлов кампанияси натижалари билан уч-тўрт ой давом этган кампания натижалари фарқ қилади. Сайлов кампанияси қанчалик узунроқ бўлса, номзодларнинг ижтимоий муаммоларни англаш ва уларга ечим излаш механизмлари шунчалик пишиқ бўлади.

Нолойиқ кадрлар ҳоким бўлиб қолмайдими?

Ҳокимларни сайлашда асосий муаммо — кадрлар эмас. Бу жараёнга ўтилса, албатта, бошида — тизим шаклланиб олгунча маълум муаммолар бўлади. Лекин айтиш керакки, сайлов тизимининг энг кучли томони ҳам салоҳиятли кадрларни ўртага чиқиши ҳисобланади. Бошида «популистлар» майдонга чиқиши мумкин, жамият алданиши мумкин. Лекин жамиятни бу борадаги зехният шаклланиб олиши керак — бу босқич эртаки-кечки ўтилиши керак.

Кимлардир сайловларда тор манфаатларни ўйлайдиган нолойиқ кишилар ҳокимга айланиб олиши, «хаос» юзага келиши мумкин, деб ҳисоблайди. Тўғри, баъзи ҳудудларда шундай ҳолат рўй бериши аниқ. Лекин ҳозир вазият ундан яхшироқми? Тор манфаатлар учун зимдан интилаётган, кимматли манбаларни самарасиз сарфлаётган, одамларнинг имкониятларини қирқаётган ҳокимлар йўқми? Қолаверса, сайлов ҳам ким хоҳлаганини қиладиган тартибсиз жараён эмас. У билан боғлиқ қоидалар қонунда белгиланган, улардан четга чиқилганда жавобгарлик мавжуд.

Умуман олганда, ҳокимларни сайлаш масаласида кимдир

янгилик кутаётган бўлса, бошқа бири «ҳали вақти эмас», деб маслаҳатга ошиқади. Бундай пайтда энг яхши чора — синая кўриб, тажриба қилиш. Майли, дастлаб инфратузилма имкониятлари ривожланган, йирик шаҳар ёки туманларда ҳокимларни сайлаш бўйича эксперимент қилиб кўрайлик. Бу жараён тўлиқ эркин, табиий шакл ва мазмунда бўлиши жуда муҳим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Қушербаевнинг фикрича, ҳокимларни сайлаш, бу — Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг янги қадами бўлади ва бошқарувни фуқаролик жамиятига ишониб топширишга давлатнинг ўзи журъатлими-йўқми, шунинг белгилаб бериши шубҳасиз. Шунда сўкинишлар бўлмайди, одамлар билан ҳисобкитоб қилиш, уларнинг ишончи ва овози учун курашиш ҳокимиятларга ҳам кириб боради. Шу билан бирга, бу жараён ҳокимларнинг ўзига ҳам яхши: унда мустақил қарор қабул қилиш учун имкониятлар кенгайди ва халқнинг олдида масъулияти ошади. Чунки у ижро ҳокимияти олдида эмас, балки кўпроқ ўзини сайлаган ҳудудга ҳисобдор бўлади. Бирор қарор қабул қилишдан олдин у ўзини сайлаган аҳоли фикрини ўрганади ва унга таянади.

Шунингдек, ҳеч бир ҳоким ўзини ҳокими мутлак, деб ҳис қилолмайди. Чунки тизим бунга йўл қўймайди: **халқ уни қандай сайлаган бўлса, худди шундай ерга тушириб қўйиши мумкин.**

Иброҳим
ПҮЛАТОВ.

МЕНДА
САВОЛ БОР...



Болани бир йўла иккита боғчага навбатга қўйиш мумкинми?

— Уйимга иккита МТМ яқин жойлашган. Бир вақтнинг ўзидан иккисига ҳам ҳужжат топширишим мумкинми? Навбатим келганини қандай билсам бўлади?

Мафтуна ШУКУРОВА.
Тошкент шаҳри.



**Севара
ЗОКИРОВА,**
Давлат
хизматлари
агентлиги ахборот
хизмати раҳбари:
— Вазирлар
Маҳкамасининг

2021 йил 20 майдаги 319-сон қарорига асосан, ариза берувчилар бир вақтда **учтагача ташкилотга** болани навбатга қўйиш ҳуқуқига эгалар.

Навбат келганлиги ва (ёки) навбатдаги ҳолат ўзгарганлиги ҳақида махсус рақамга сўров юбориш орқали **SMS-хабар** олиш имконияти яратилган.



ХУСУСИЙ ЁТОҚХОНАЛАР ТАЛАБАЛАР МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛА ОЛАДИМИ?

Ҳар йили янги ўқув йили бошланиши билан ётоқхонага жойлашиш муаммоси талабаларни қийнаб келади. Деканга ялин, проректорга кир, ректордан илтимос қил ва ҳ.к. Муаммо кеча ё бугун пайдо бўлиб қолмаган, бироқ ҳеч ким унинг ҳолати, ечими билан қизиқмаган.

Узоқ вилоятлардан пойтахтга келган талабалар бунинг оғир бадалини тўлашмоқда: арзон ва ўқишига яқин бўлган жойдан уй излаш, ижара ҳақи тўлаш ёки уйдан бу уйга кўчиш — улар вақт сарфлайдиган асосий машғулотлардан бири саналади.

Демак, муаммо аниқ. Ўз навбатида, ётоқхоналарнинг етишмаслиги бошқа қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Ёшларнинг қаровсизлиги, турли иллатларга берилиб кетиши, ётоқхоналарни тақсимлашда таниш-билишчилик ва коррупция шулар жумласига киради. **Бундан ташқари,** мавжуд ётоқхоналар ҳам ойлик тўлов эвазига ажратилиши, стипендияларнинг жуда камлиги талабаларнинг муносиб таълим олишида асосий тўсиқлардан ҳисобланади.

Уй бозори ҳам тур-



ли сабабларга кўра уларни камситиши — уй эгалари талабадан кўра оилали ва ишли ижарачиларни афзал билишади. Худди шундай таассурот уйғонадики, **минглаб талабалар — пойтахтдаги асл уйсизлардир.** Қолаверса, кўпгина **олийгоҳлар шаҳар марказида жойлашгани учун** уларнинг атрофидаги уйлар ҳам, табиийки, қиммат. Ваҳоланки, Ғарбда, масалан, асосий кампуслар шаҳарлар четида бўлади, токи, талабанинг фикри чалғимасин, ётоқхона куриш осон бўлсин ёки арзон уй топиш осонлашсин. Бизда эса аксинча — ўн минглаб талабалар уй-жой муаммосидан, беқарорликдан, камситилиш ва ночорликдан азият чекмоқда.

Нима қилиш керак? Магарки, муаммо мавжуд экан, демак, унинг ечимлари ҳақида қайғуриш керак. **Энг аввало,** талабалар ётоқхонасига жойлаштиришнинг расмий тартибини янгидан ишлаб чиқиш ва ҳамма талабаларга етказиш лозим. Бу шундай тартиб бўлсинки, ҳозирги норозиликлар сезиларли даражада камайсин. «Фақат таниш-билиш билан, «соққа» билан жой олиш мумкин, биз бечоралар кўчада қолдик» деган таъналарни нисбатан йўқотадиган тартиб бўлсин.

Бундан ташқари, ётоқхоналар сонини кўпайтириш, улардаги ўринларни кенгайтириш ҳақида ҳам ўйлаш зарар қилмайди. ОТМлар ҳудудини шаҳар чеккасидаги жойларнинг ҳисобига бўлса-да, кенгайти-

риш ва замонавий кампуслар яратиш керак. **Токи, талабалар бир жойда ўқиб, бир жойда яшашсин.** Транспорт харажатлари ва ташвишлари билан овора бўлишмасин. Зеро, кун кеча Президент раислигида ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирда **талабаларда кўшимча 149 мингга тураржойга эҳтиёж мавжуд.**

Ушбу муаммоли масалани тадбиркорлар билан хусусий шериклик орқали тезда ҳал қилиш мумкин. Бунда бўш майдони бўлган **олийгоҳлар ўз ҳудудида,** бўш майдони бўлмаганлари **1,5 километрча масофада** тадбиркорларга ётоқхоналар ташкил этиш учун **ер аукцион орқали** ажратилади. Олийгоҳ ректори, вилоят ҳокимлари тадбиркорлар билан камида 20 йил муддатга шартнома имзолайди, бинонинг 1-2 қаватини бизнес учун (кўнгилочар хизматдан ташқари) тадбиркорга бериш, юқори қаватларини арзон тураржой (хостел) ташкил этиш шартлари белгиланади. Талабаларнинг тураржойи харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади.

Тажриба ўзини оқлайдими? Ҳўш, тадбиркор қурадиган тураржойлар қандай бўлиши керак? Уларнинг нархи ҳақиқатда арзон бўладими?

Пастроқ нарх тадбиркор харажатларини қоплайдими? Айтиш керакки, юқоридаги тартиб жорий этилса, бу тадбиркор учун — **кафолатли мижоз,** биринчи ва иккинчи қаватдаги бизнеси учун — **катта бозор,** талаба учун — **қулай ва арзон шароит,** олийгоҳга эса — **маблағни тежаш** ва уларни **таълим сифатини ошириш** учун йўналтиришга катта имкониятдир.

Бизнингча, тураржой қурилишида Япония тажрибасидан фойдаланса арзийди. Мазкур давлатда бир кишилик «талабалар уйлари» жуда кенг тарқалган. Уларни ҳам **хусусий фирмалар қуради.** Кичик ва тор бўлса-да, барча шароитлар бўлгани учун бундай уйларга талабалар тез кўнилади. Асосийси, талабаларни тураржой етишмаслигидан келиб чиқувчи беқарорлик ва бир уйда ҳаддан зиёд кўпчилик бўлиб туриши каби муаммолар қийнамайди. Улар илм олишдан чалғимайди.

Бундай уйлар харажатни қопламайди, деб ҳисобланса, ҳеч бўлмаса, тураржойларнинг бир хонаси 2 ёки 3 кишига мўлжалланган ҳолда қурилиши керак. Нархи эса ётоқхоналардан бирозгина фарқли белгиланса, талабалар «жон» деб рози бўлишлари аниқ. Узоқдан арзон квартира қидириб, «олтин даврлари» йўлда автобус кутиб ўтгандан кўра, ОТМ ёнидаги янги, ихчам, муҳими — фақат талабалар учун мўлжалланган бинода яшашни кўпчилик афзал билса керак. Шундагина улар ортиқча ташвишларсиз, хотиржам равишда асосий эътиборини таълим олишга қарата оладилар.

Содиқ
АБДУРАСУЛОВ.



СЎРОВНОМА

ЁТОҚХОНА НАРХИ ТАЛАБАБОП БЎЛСА...

Аввалроқ «U-Report» платформаси қарийб 9,3 минг талаба ўртасида сўровнома ўтказганди. Сўровномада қатнашганлардан 4,5 минг нафари ижарада яшашини билдирган.

Уларнинг 43 фоизи ижара учун ойига 200 минг сўмдан кўп, 26 фоизи эса 500 минг сўмдан кўп тўлайди.

Респондентларнинг 85 фоизи хусусий ётоқхоналар ташкил қилинишини қўллаб-қувватлайди, шундан 33 фоизига у ерда яратиладиган шароитлар қандай бўлиши танлов қилишлари учун муҳим. Хусусан, 92 фоиз қатнашчи хусусий ётоқхона



нархи талабабоп бўлса, уларда яшашини билдирган. Бунда ётоқхонада, албатта, кутубхона, спортзал ва компьютер хоналари бўлиши керак, деб

ўйлайди.

Талабаларнинг 53 фоизи ётоқхоналарнинг ҳар бир қаватида умумий ҳаммом, ҳожатхона ва ошхоналар бўлишини етарли, деб ҳисоблайди. Агар хонанинг нархи ундаги ижарачилар сонига боғлиқ бўлса, унда 42 фоиз респондент икки кишилик, 31 фоизи уч кишилик, 15 фоизи эса тўрт кишилик хонада яшашга тайёрлигини билдирди.

ОДАМЛАР НЕГА ЧЎГЛАНУВЧИ ЧИРОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧМАЯПТИ?

Энергетика — мамлакатимизнинг оғрикли нуқталаридан бири. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Айниқса, электр энергияси масаласи. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янгидан-янги қурилишларга қарамай, ҳамон эҳтиёжни тўлиқ қоплаш йўллари топилгани йўқ.



Боз устига, истеъмом талаблари ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Корхоналар, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш субъектлари, таълим, умуман, барча соҳаларда янги-янги объектлар ишга тушириляпти. Аҳоли сони мунтазам ортиб борапти, шаҳарларда осмонўпар бинолар, янги даҳалар пайдо бўляпти. Қишлоқлар ривожланиб бормоқда. Бу шароитда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳаси шиддатли тараққиётни қувиб етолмаётгандек, гўё. Албатта, вазият бир неча йил авалгидан анча дуруст. Аммо бу ҳали кам.

Хўш, нима қилмоқ керак? Киш ойларида Энергетика вазири Алишер Султонов энергияни тежаб ишлатиш, юртимизда

тежамкор технологиялардан фойдаланиш масаласи оқсаётгани тўғрисида гапирган эди. Вазирнинг гаплари анчагина негатив муносабатларга сабаб бўлди. Аммо бу борада у ҳақ эканини

таъкидлаганлар ҳам кўп. Тежамкор технологиялар нафақат корхона ва ташкилотлар, балки аҳоли томонидан ҳам ҳали тўлиқ ўзлаштирилгани йўқ.

Масалан, «светодиод» чироқлар ҳамон чўгланувчи «вольфрамли» лампочкаларни сиқиб чиқара олмайди. Бозорлар, дўконлар расталарида 100, 220 вольт ва ундан юқори кучланишли бу каби чироқларни кўплаб топиш мумкин. Ваҳоланки, битта чўгланувчи чироққа сарфланадиган энергия ҳисобига 10 та «светодиод» чироқ ёниб туради. Яъни битта хона ўрнига 10 та хонани ёритиш мумкин. Маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда «вольфрамли» чироқ-

лар ишлаб чиқариш тўхтатилган. Бозор ва дўконлардагилари эса қўшни Қирғизистон Республикасидан импорт қилинади. Ўзимизда фақат битта корхона турли хилдаги «светодиод» чироқлар ишлаб чиқаради. Импорт қилинаётган замонавий чироқлар билан бирга, йилига ўртача 10 миллион дона шундай маҳсулот ички бозорда ўзлаштирилмоқда. Аммо бу ҳам ҳали кам.

Аниқки, тўлиқ тежамкор технологияларга ўтишда чироқларнинг ўзидан ўртача 10 баробар самарадорликка эришиш мумкин. Аммо бу ишлар ҳануз чўзилиб келмоқда. Сабаблари эса «светодиод» лампаларнинг қимматлигида. Масалан, 10 ваттли лампанинг улгуржи баҳоси 17 минг сўм. Худди шу вазифани бажарувчи 100 вольтли чўгланувчи чироқ эса дўконларда 5 минг сўм сотиляпти. Аммо ундан келадиган зарарни ҳисоблашнинг ўз қийин.

Биринчидан, бу — экспорт маҳсулот. Валютага сотиб оли-

нади. **Иккинчидан**, экологик хавфли («светодиод» чироқлар шишаси чириб кетиш хусусиятига эга, бундан ташқари, уларда «вольфрам» ишлатилмайди), ўта серхаражат.

Бизнингча, юртимиз ҳудудига тежамкор бўлмаган воситалар, жумладан, чироқлар импортини чеклаш, «светодиод» технологиялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтириш, бу соҳада монополияга барҳам бериб, рақобатни шакллантириш эвазига нархларни пасайтириш масаланинг ечими бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун соҳага кичик бизнесни жадал жалб қилиш лозим.

Аслида, бу каби ҳаракатлар 2015 йилда бошланган эди. Ўшанда Вазирлар Маҳкамасининг «Энергияни тежайдиган лампалар маҳаллий ишлаб чиқарилишини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга кўра, 2017 йилдан қуввати 40 ваттдан ортадиган чўгланувчи лампалар савдосига

чек қўйилиши лозим эди. Бундай чироқлардан ишлаб чиқариш корхоналари, тиббиёт, илмий-тадқиқот муассасаларидагина зарур бўлган ҳолатларда алоҳида тартиб билан фойдаланилиши белгилангани. «Светодиод», тежамкор чироқлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, «Ўзэлтехсанот» таркибидagi «Vesta electric», «Plastic modernity», «Egl nur», «Yorqin chiroqlar» ва бошқа корхоналарда йилига 16 миллион донага яқин «светодиод» чироқлар ишлаб чиқариш режалаштирилган эди.

Бизнингча, ҳозирда мазкур қарорни замон, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янада мукамаллаштириш, қайта кўриб чиқиш пайти келган. Зеро, бу ҳаракатлар ҳам энергетика тизими дуч келаётган босимларни пасайтиришга хизмат қилади.

Шерали
ҚИРҒИЗБОЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ҚУРУҚ РАҲМАТГА ҲЕЧ КИМ ИШЛАМАЙДИ»

Маҳалламизда 4 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Асосий тирикчилик — терак етиштириш ортидан келади. Бизда «Калифорния» навли тераклар кўп. Бунинг ортидан ёғочга ишлов бериш, жумладан, «яшик»лар, мебеллар ишлаб чиқариш ривожланган.

Қолаверса, иккинчи экин сифатида супурги етиштириш урфга кирган. Супурги пояси ўриб олингач, боғланади. Қиш ойларида улгуржи сотилади. Шу орқали одамларимиз 8-10 миллион сўм қўшимча даромад қилади.

Меҳнат миграцияси ҳали тугатилмаган, ҳозирда 50-60 нафар фуқаромиз чет элларда ишляпти. Шунга қарамай, бу ўтган йилга нисбатан анча кам ҳисобланади. Бунга номли дафтарларга кири-

тилган фуқароларни иш билан таъминлаш орқали эришилди. Қўқон шаҳридаги тўқимачилик корхонасига 300 нафарга яқин хотин-қизларимиз ишга жойлаштирилди.

Умуман олганда, ҳудудимиз ижтимоий муаммолари кўп оғир ҳудуд ҳисобланади. Бунга электр тармоқлари тизимидаги муаммолар, жумладан, трансформаторларнинг етишмаслиги, айрим кўчаларга ичимлик суви қувурлари бормагани, кўчалар асфальт-



Баҳромали АҲМЕДОВ, Фурқат туманидаги «Ҳайит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ланмагани мисол бўлади. Шунга қарамай, камчиликлар аста-секин ҳал этиб борилмоқда. Куни кеча янги биномиз фойдаланишга топ-

ширилди. Унда барча шароитлар бор. Ҳар бир ходимга алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган, замонавий жиҳозланган. Энди янада самарали

меҳнат қилишга ҳаракат қиламиз.

Таклифим эса барча раисларники билан ҳамоҳанг. Бизга жила-қурса битта қўшимча штат керак. Бундан ташқари, кўчабошиларга ваъда қилинган коммунал тўловлардан имтиёзларни тезлаштириш керак. Шунда тилимиз узун бўлади. Бемалол турли тадбирларга жалб қила оламиз. Акс холда қуруқдан қуруққа ҳеч ким чин дилдан ишламаслиги аниқ.


ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИГА КИМ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Хабарингиз бор, айна пайт республикадаги ҳудудлариди барча Президент мактабларига ҳужжатлар қабул қилиш жараёни бошланди.



Кечаги кунги ҳолатига кўра, Тошкент шаҳридаги Президент мактабига 2364 та ҳужжат келиб тушган. Унинг 367 таси қайтарилган. 1910 таси қабул қилинган. 87 та ариза рад этилган.

Шубҳасиз, ҳамма ота-она ҳам фарзан-



дини нуфузли таълим даргоҳида таълим

олишини хоҳлайди. Шу сабабми, кейинги пайтда турли ўқув марказлари томонидан Президент мактабига тайёрлаш ҳақида эълонлар берилмоқда.

Хўш, чиндан ҳам республикада Президент мактабларига тайёрлов курслари борми? Уларга ишонса бўладими?

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги раҳбари

Дилфуза Собированинг айтишича, бу каби эълонларга ишонмаслик керак. Жумладан, шу кун-

ларда «Alpha Club» номи остида тайёрлов курслари тўғрисида хабар тарқалмоқда. Юқоридаги каби ўқув марказларининг Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

У ҳолда номзодларнинг имтиҳонларга тайёрланиши учун қонуний фаолият юритадиган ўқув марказлари борми? Талабгорлар кимга ва қаерга маражаат қилиши керак?

Агентлик маълумотига кўра, ҳозир расмий веб-сайтга 3 та бўлимдан иборат саволлар намуна-

ри бериб борилмоқда. «А» бўлими 5-6 синфлар учун, «В» 7-8 синфлар учун, «С» эса ундан юқори синфлар учун мўлжалланган.

Ҳар бир саволлар намунаси Cambridge assessment томонидан тузилган ва синфлар ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилган.

Бундан ташқари, ҳозир Cambridge assessmentдан қўшимча тарзда маълумот олган ҳолда сайт орқали имтиҳонга тайёрлов материаллари бериб борилмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ТАЖРИБА, ТАКЛИФ

«МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ БИР ХОНАЛИ БИНОДА ИШЛАРДИ, ЭНДИ ЭСА...»

Маҳалла раиси сифатида иш бошлаганимга 9 ой бўлди. Тўғри, бу қисқа муддат. Аммо айрим хулосалар чиқариш учун етарли бўлди.

Аввало ишни ҳудуддаги муаммолар, аҳолини қийнаётган камчиликларни ўрганишдан бошладим. Энг биринчи навбатда, аҳолини тоза ичимлик сув, электр энергияси, кўчаларни асфальтлаш каби муаммолар қийнардди. Қолаверса, ўзимиз ҳам ёрдамга муҳтож эдик. Илгари маҳалла ходимлари бир хонали бинода ишларди. Бугун эса алоҳида замонавий бинога эга бўлдик. Кечагина интернет тармоғига уландик. Барча жиҳозлар билан таъминландик.

Маҳалламиз катта. 989 та хонадон бор. «Маҳаллабай» тизими асосида уйма-уй юрибмиз. Асосий

муаммо ишсизлик. Буни бартараф этиш учун Президентимиз кўрсатмалари асосида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»даги фуқароларга ер бўлиб беришни бошладик. Энди ишсиз аҳоли вакиллари шу ерларда деҳқончилик қилиб, оилавий аҳолини яхшилаш имконига эга.

Тўғри, бугун 100 фоиз аҳолининг муаммоларини ечдик, дея олмаймиз. Ҳар ҳолда 60-70 фоиз камчилик бартараф этилди.

Наримон КУБАЕВ,
Оқолтин туманидаги «Янги давр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



МАҲАЛЛАДАН МАКТУБЛАР

«ИЛТИМОС, МЕНГА ЁРДАМ БЕРИНГ!»

«Ассалому алайкум, «Mahalla» газетаси таҳририяти! Мен ҳам сизларнинг фаолиятингизни доимий кузатиб бораман. Яқинда «Xolis_nazar» телеграм каналда ташкил этилган «Маҳалладан мактублар» лойиҳасига ўзимни қийнаётган муаммоларни ёзмақчиман.

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Чорбоғ» маҳалласи Меҳризиё кўчаси 24-уйдан мурожаат қилияпман. 2010 йилдан бери «Агробанк» филиалида мутахассис бўлиб ишлаб келар эдим. Лекин 2021 йил январь ойида ноқонуний тарзда мени ишдан бўшатиб юборишди. Бундан норози бўлиб, вилоят касаба уюшмасига мурожаат қилдим. Улар ишимни ўрганиб, мени ноқонуний ишдан бўшатиладигани ҳақида тақдимнома киритди. Аммо «Агробанк» масъуллари бу тақдимномани эътиборга олишмади.

Ҳозирги вақтда жуда оғир аҳволга тушиб қолганман. Сабаби ёлғиз она сифатида вояга етмаган бир нафар фарзандимни тарбиялаяпман. Иккинчи томондан тўлов шартнома асосида олий ўқув юртининг 4-босқичида ўқийман.

Афсуски, қаерга бормай, кимга мурожаат қилмай беиз бўлмоқда. Ҳеч ким мени тушунмаяпти. Ҳатто, маҳалла томонидан ҳам ёлғиз оналим эътиборга олиниб, «Аёллар дафтари»га киритилмадим. Ахир мен ҳам жамиятга фойдам тегсин, деб 12 миллион сўмдан контракт тўлаб, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб келмоқда эдим. Айтингчи, ёлғиз оила боқувчиси сифатида энди нима қилишим керак? Илтимос, менга қонун доирасида ёрдам беринглар.

Ҳурмат билан Гулмира Нурматова».

Айна пайтда ушбу мурожаат бўйича ўрганиш олиб борилмоқда. Шу билан бирга «Агробанк» вилоят филиали ҳамда Фарғона вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳам ҳолат бўйича муносабат билдиришини кутиб қоламиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Тошкент метрополитени шубҳасиз пойтахтдаги энг қулай жамоат транспорти ҳисобланади. Кейинги йилларда соҳада анча ижобий ишлар қилинди. Жумладан, 2020 йилда Тошкент метрополитенининг ер усти ҳалқа йўли ва Сергели йўналиши ишга туширилди, Юнусобод йўналишига яна иккита бекат қўшилди.

МЕТРОПОЛИТЕН РАҲБАРИ ЎЗГАРДИ:

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ҲАМ ЎЗГАРАДИМИ?

Бу яхши, албатта. Аммо муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Аввало, янги ишга тушган ер усти ҳалқа йўлидаги метро бекатлари номи йўловчиларни чалғитади. Дастлаб ер усти метроси бекатлари 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-бекат, дея рақамлар билан белгиланганди. Фақат «1-бекат» — «Дўстлик-2» деб номланганди. «Ўзбекистон темир йўллари»нинг 2019 йил 23 август куни берган маълумотида эса бекатлар номи «Дўстлик», «Оҳангарон», «Тузел», «Илтифот», «Роҳат», «Янгиобод» ҳамда «Қўйлик» дея номланган. Мазкур метро йўналиши поездларининг олдида «Қўйлик» деган ёзув бўлса-да, бироқ Қўйликдаги бекат пештоқида «7-бекат» дея ёзиб қўйилган.

Сергели йўналишидаги метро бекатлари ҳам «Чоштепа», «Тошкент ҳалқа йўли», «Сергели», «Афросиёб», «Қипчоқ» ва «Чинор» деб номлаш

режалаштирилган бўлса-да, ҳамон «Бекат-1», «Бекат-2»лигича қолмоқда.

Яна бир муаммо — ер усти метро бекатлари қишда совуқ, ёзда иссиқ. Ҳалқа йўлида поездга минар экансиз, эйтиборингиз бевосита поезд ичига ўрнатилган замонавий йўл кўрсаткичларига тушади. Сиз у ердан бекатлар номини ҳам излашингиз мумкин. Қизиқ томони шундаки, унда фақат ер усти метро бекатларининг номлари кўрсатилган. Юнусобод йўналишининг энг охири бекати «Шахристон» этиб кўрсатилган. Ваҳоланки, ҳалқа йўли билан бир кунда Юнусобод йўналишининг янги икки бекати — «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари ўз ишини бошлаган. Кўрсатилган бекатлар орасида айнан шулар йўқ.

Маълумки, Сергели ер усти метро линияси «Олмазор» бекатидан кейин давом этади. Аммо негадир ҳозиргача бу поездлар охири бекат



кати «Олмазор», деб белгиланган. Гоҳида шу линияда Сергелига бормоқчи бўлган йўловчилар бехосдан «Олмазор»да тўхтаб қолишлари мумкин. Чунки метро поезди аслида Сергелигача бориши керак бўлса ҳам, «Олмазор»да сафарини якунлаб ҳам қўяверади. Бунинг натижасида йўловчилар камида яна 10 дақиқа вақт йўқотишади. Бу ахир истеъмолчи ҳуқуқининг бузилиши эмасми?

Истеъмолчи ҳуқуқи бузилишига доир яна бир ҳолатга тўхталмай илож йўқ. Биламизки, эрталаб 8:00 дан 9:00 гача вақт оралиғида метродан фойдаланувчилар сони кўп бўлади. Айни пайт

чипта сотиш кассалари олдида узун навбатлар юзага келади. Ачинарлиси, шундай вазиятда ҳам битта сотувчи ишлайди. Наҳотки, куннинг тиғиз пайтлари билет сотувчилар сонини ошириб туриш имконсиз бўлса?

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ягона акциядори қарори билан Раҳмонбек Усмонов «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари — «Тошкент метрополитени» УК бошлиғи этиб тайинланди.

Хўш, раҳбариятдаги бу ўзгариш хизмат кўрсатиш сифатида ҳам ижобий кўриниш оладими? Юқоридаги

муаммоларга ечим топиладими?

— Албатта, сиз айтган муаммолардан хабардормиз, — дейди «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси матбуот хизмати ходими Илҳом Қосимов. — Бу бўйича иш олиб бориляпти. Мисол учун, ер усти бекатлари номланиши бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигида махсус комиссия қарор чиқаради. Биз уларга таклиф берганмиз. Лекин комиссия тавсиямизни кўриб чиқиб, рад этган. Шу боис бу бекатлар номланмай рақамлаштирилган тарзда қолди. Тўғри, агар бекатларга ном берилса, йўловчиларга ҳам қулай бўлади. Аммо юқорида айтганимдек, бу иш бизнинг ваколатга кирмайди. Ер усти бекатлари кутиш жойларига босқичма-босқич совулгичлар ўрнатилмоқда. Йўл кўрсаткичларини ўрнатиш бўйича ҳам ишлар бажарилмоқда. Фақат бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди.

Чунки жараён катта маблағ талаб қилади. Ҳозир бизни кутишга мажбур қилаётган яна бир сабаб — лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини қабул қилиш айна пайт баҳсларга сабаб бўляпти. Мисол учун, бугун йўл кўрсаткичларини бирданига янгиласак, эртага яна ўзгартириш керак бўлади. Бу эса миллиардлаб маблағни беҳуда сарфланиши дегани.

Мутахассис билан суҳбат натижасида муаммолар аста-секин ечилишини билиб олдик. Аммо сезганингиздек, айрим саволларимиз жавобсиз қолди. Жумладан, куннинг тиғиз пайтларида кассаларда навбатлар пайдо бўлишининг олдини олиш, метро қатнов вақтини аввалгидек бир хил меъёрга келтириш бўйича таклифларимизни масъуллар этиборга олишса, истеъмолчиларда нозилик туғилмасди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ФАХР-ИФТИХОР

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАРРАНДАЧИЛИК «ДРАЙВЕРИ»ГА АЙЛанади»

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи мен учун қутилмаган совға бўлди. Давлатимиз раҳбари шахсан ўзлари маҳалламизга ташриф буюриб, биз, маҳалла фаоллари, аҳоли билан мулоқотда бўлди. Турмуш тарзимиз билан яқиндан танишиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини берди. Бундан нафақат мен, фаоллар, балки урганжиликлар ҳам ниҳоятда хурсанд.

Президентимиз маҳалламизни паррандачилик «драйвери»га айлантириб, бирорта ишсиз қолмаслигини алоҳида таъкидлаб, давлат томонидан қандай ёрдам, кўмак бўлса кўрсатилишини айтдилар. Бирок аҳолини боқимандалик кайфиятига берилмасдан, меҳнат қилишларини ҳам эслатиб ўтдилар. Давлатимиз раҳбари айтганидек, ишсизлик бўлмаса, ҳамма даромадли бўлса, ажралишлар ҳам, жиноятчилик ҳам бўлмайди.

Биз Юртбошимиз билан мулоқотда

бўлиб, катта рағбат олдик. Янги куч, янги ғоя ва ташаббуслар билан ишлашга киришдик. Худо хоҳласа, маҳалламиз паррандачилик «драйвери»га айланиб, бирорта ишсиз қолмайди.

Маҳалламизда паррандачиликни ривожлантириш ташаббуси ҳам Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига қилган ташрифлари давомида ҳар бир хонадонда 100 тадан товۇқ бўлса, даромадли бўлади деган гаплари сабаб бўлган. Шундан сўнг, менда ҳам маҳаллада паррандачилик-

ни ривожлантириш, ишсиз аҳолига товۇқ бериш фикри туғилди. Сўраб-суриштириб, Қўрғонтепа туманида паррандачилик билан шуғулланувчи Умид опани топдим. Ҳамкорлигимиз натижасида 150 та ишсиз хонадонга 50 бошдан тухум қўядиган товۇқ тарқатдик.

Худудимизда «Обод қишлоқ» дастури доирасида иш қизғин. Шу кунга қадар 10 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Ойдинбулоқ ва Маданият йўли кўчамизга ҳам қувур тортилса, аҳолимиз юз фоиз ичимлик сув би-

лан таъминланади. 12 та кўчамизнинг 3 таси асфальтланди, 2 км. қисми шағалланди. Қўлбола симёғочлар ўрнига 70 дан ортиқ темир-бетон устунлар ва 2 та трансформатор ўрнатилди.

Шунингдек, 42 та хонадонга қўй, 4 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди. 15 нафар аёлимизга чеварчилик бўйича кредит ажратилди. Барча саъй-ҳаракатлар аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган. Уларга бир марталик ёрдам эмас, балки қармоқ бериб, балиқ тутишни, дои-

ми даромад манбаига эга бўлишга кўмаклашяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг маҳалламизга ташрифи хурсандчилик билан бирга, катта масъулият ҳам юкледи. Ана шу масъулиятни чин дилдан ҳис этган ҳолда Президентимиз ишончини оқлаш учун бор куч ва ғайратим билан ишлайман.

Нафосатхон МАҲКАМОВА,
Избоскан тумани «Урганжи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БЎЙДОҚЛАР ЭНДИ КОВУШГА КАРТОШКА СОЛАДИМИ?

Ёхуд сабзи нархининг ошишига қандай
омиллар сабаб бўлмоқда?



Ўтаётган ҳафтада асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири — сабзининг нархи аввалгилардан мисли кўрилмаган даража ошиб, 11 минг сўмга чиқди. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси хабар берган. Маълумотга кўра, 9 июнгача маҳсулот максимал 9 минг сўмгача сотилаётган эди, 17 июнь ҳолатига сабзавотнинг юқори нархи 2 минг сўмга қимматлади.

— Ўрганишлар алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари орасида сабзи нархи ўсиб бораётганини кўрсатмоқда, — дейди Давлат статистика қўмитаси масъул ходими Усмон Абдурасулов. — Сабзининг минимал нархи Бухоро шаҳрининг «Бухоро марказий деҳқон бозори»да 3 минг сўмдан қайд этилган. Шу билан бирга, мазкур бозорда сабзавотни максимал 9 минг сўмдан харид қилиш мумкин. Жиззах шаҳрининг «Жиззах марказий деҳқон бозори» ҳамда Тошкент шаҳрининг «Фарҳод деҳқон бозори»да сотувдаги тозаланган ва сараланган 1 кило сабзининг максимал нархи 11 минг сўм. Ўтган ҳафтада маҳсулотнинг энг юқори нархи 9 минг сўм эди.

Сабзи қаҳат бўлса, паловхонтўранинг ҳоли не кечади?

Дарҳақиқат, паловхонтўранинг асосий масаллиқларидан бири бўлган сабзи бугун гурчдан ҳам қиммат. Ваҳоланки, аслида, сабзи етиштириш шолчилик каби серхаражат юмуш эмас. Хўш, бунга нима сабаб бўляпти? Бизнингча, бозорлардаги аномал нархларнинг асосий сабаби — ўтган йили фермер хўжаликларида экинлар учун ер тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаганидир. Нафақат фермерлар, балки бутун республика бўйича ерларни бўлишда камчиликларга йўл қўйиб келинади. Оқибатда ҳар йили қайсидир маҳсулот жуда қиммат, бошқаси эса сув текинга сотилади. Кимдир йўқ жойдан катта даромад кўрса, деҳқончилик учун миллионлаб

пул сарфлаб қўйган бошқа деҳқон харажати куйиб қолаверади. Масалан, ўтган йили сабзи етиштирилганларнинг кўпчилиги зарар кўрган эди. Ундан олдин қалампир, қовоқ масалаларида муаммолар бўлган.

Тўғри, бозор ҳолатини олдиндан айтиш жуда мушкул масала. Уни фақат тахмин қилиш мумкин. Аммо, шунга қарамай, республика миқдорлари аниқ. Ҳисоб-китобларни юқоридагиларга қараб ўртача олиш мумкин эди. Бундан ташқари, тегишли ташкилотлар биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ва импорт қиладиган қўшни давлатлардаги бозор, истеъмол ва харид, етиштириш имкониятларини ўрганган бўлса керак. Масалан, 2018 йилда Тожикистонда худди бизга ўхшаш ҳодиса юз бериб, сабзи ва пиёз нархи ошиб кетган эди. Шунда қўшни давлатга мазкур маҳсулотларни биз етказиб берганмиз. Мамлакат, деҳқонларимиз яхшигина даромад ҳам қилиб қолган. Унда

хато қаердан келиб чиқяпти?

«Деҳқон ҳам бойисинда...»

Мазкур масалада депутатларимиз, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакиллари ўз муносабатларини билдиришди. Бу ҳақда ўқидик, эшитдик. Аммо куруқ гапга ош пишмайди. Чойхонапалов учун сабзи керак. Шу боис масала моҳиятини оддий деҳқонлардан ўрганишга уриниб кўрамиз.

— Тўғриси, деҳқонлар сабзидан 2-3 йилдан бери зарар кўраётган эди, — дейди олтиариқлик фермер Қодиржон Эрматов. — Шунинг учун сабзи экмай қўйишди. Улар ҳатто маҳсулотни сақлаш учун совуткич пулини ҳам чиқара олмайдиган даражага келишганди. Одам зарар қилаверса, бошқа экин экишга ўтади-да. Бундан ташқари, пандемия даврида тўй-маросимлар, турли тадбирлар тўхтатилди. Тўйхона, ресторан, кафе ва бошқа овқатланиш марказлари ишламади. Сабзавот сақлайдиган совуткичи бор тадбир-

корларга имтиёзлар берилмади. Шу боис улар катта зарар кўришган. 2019 йилда сабзи жуда кўп экилганди. Уни қайта ишлаб, сақлаш харажатлари катта. Шунинг учун кейинги йилги экишлар миқдори камайиб борди.

Яна бир муаммо — газ нархи қимматлиги билан боғлиқ. Масалан, аҳоли газ учун 380 сўмдан тўласа, қайта ишлаш корхоналари 680 сўмдан тўлайди. Бу нотўғри, деб ўйлайман. Иссиқхоналар минг сўмдан тўлайди. Мева-сабзавотга ҳамма жойда субсидия берилади. Чунки унинг нархи ошиб кетмаслиги ва истеъмолга етарлича экилиши учун шундай қилинади. Шундай экан, қайта ишлаш корхоналари сарфлаган газ учун тўловни аҳолиники билан тенг қилиб қўйиш керак. Мисол учун, Хитойда аҳолига газ бизнинг пулга 380 сўм бўлса, мева қайта ишлаш корхонаси учун 160 сўм. Бирор маҳсулот камайиб қолса, захирадаги қайта ишлангани давлат оморларида ҳам, корхоналарда ҳам, деҳқонларнинг

ўзида ҳам етарлича топилади. Бизда бу йил нархларнинг кўтарилиб кетишига сабзи уруғи ва етиштириш харажатлари ошиб кетгани ҳам қўшимча сабаб бўлди.

Фермернинг таъкидлашича, бу йил сабзи-чилар 3 йилдан буён кўраётган зарарларини кўтарасига чиқариб олишмоқда.

* * *

Бизнингча, бозордаги мувозанатни маҳсулотларни етиштиришни режалаштириш, деҳқонлар фойда-зарарини олдиндан башорат қилиш усулларини қўллаш орқали таъминлаш керак. Эътиборни экин экилмасидан аввалданок харидор топиш, харажатлар, таннарх ва фойдани билиш, деҳқон ва тадбиркор ўртасида шартномалар тузишга қаратиш лозим. Шундай келишув бўлган тақдирда ким қанча даромад олиши ва муҳими, ҳосил харидори аниқ бўлади. Қолаверса, келгусидаги экин режалари ҳам шунга мос равишда ўзгариб бораверади.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ТАЛАБ КАТТА, БИРОҚ МАОШ КАМ...»

Маҳалламиз ҳудудда 3 та қишлоқ жойлашган. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Кейинги йилларда иссиқхоналар орқали даромад қилишни ҳам ўзлаштириб олишди.

Ҳудудда 32 та иссиқхона бўлиб, қишин-ёзин маҳсулотларини бозорга чиқаришади. Ҳар бир хонадон ўзига «пишма кран» (качалка) қурдириб олган. Шу сувдан ичишади ҳамда томорқаларини сугоришади. Тўртта фермер хўжалиги бўлиб, аҳолини мавсумий ишлар билан таъминлаб турибди. Шу пайтгача маҳалла-

мизнинг идораси йўқ эди. Айни пайтда ҳашар йўли билан янги бинони қуряпмиз.

Муаммо бор. Ички йўлларимиз мутлақо ярқосиз. Бор имкониятларимизни ишга солиб, ҳашар йўли билан тўғирласак-да, бир мавсумдан зўрға чиқиб оламиз. Қолаверса, ҳудуддаги барча симёғочларни алмаштириш вақти

келган. Чунки улар жуда эски ва ярқосиз ҳолатга келиб қолган. Қишлоқ врачлик пунктининг йўқлиги боис аҳоли 4-5 км. узоқликдаги ҚВПга қатнашга мажбур бўляпти.

Яна бир гап. Миграция бизда камайгани йўқ. 476 нафар фуқаромиз хорижда ишлаб юрибди. Кўпчилик одамларимиз хорижда яхши даромад қилиш мумкин,

деган фикрда. Шу боис айни пайтда Россия давлатига кетаётганлар яна кўпайган.

Таклиф. Ҳар бир соҳада маълум бир иш вақти бўлади. Маҳалла раиси эса кечаю кундуз ишлайди. Иш вақти чегараланмаган. Талаб ва масъулият икки баробар катта. Шунга яраша маош тўланса, яхши бўларди. Чекка ҳудуддаги

раислар учун хизмат машиналари ташкиллаштирилиши керак. Боиси у қишлоқдан бу қишлоққа бориб келиш учун ҳам бир кун вақт сарфланади.

Саидмурод
ТОШМУРОДОВ,
Каттақўрғон
туманидаги
«Нисбат» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА РЕЖАЛИ ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ҚИЙИНМИ?

Чорак аср олдинги талабалик давримиздан биламизки, пойтахт бозорларида бир йил пиёз «захардан қиммат»лашса, кейинги йили картошканинг яқинига йўлаб бўлмасди. Чунки бу йил картошкани «сувтекин»га сотган деҳқон келгуси йили бу экинни етиштирмасди ва натижада, қарабсизки, бозорларда бу маҳсулот тақчил бўлиб, нархи осмон баробар кўтариларди.



Лекин пиёз ҳамма томонда тўкилиб ётарди. Сабаби, олдинги мавсум қиммат бўлгани учун бу йил кўпчилик пиёз эккан бўлиб чиқарди.

Шунда ўйлардикки, далада нима кўп экилиб, қайси экин кам экилаётганини кимдир ўрганиб, деҳқонга тўғри маслаҳат бериб, вазиятни барқарор сақлаб турса бўлмасмикан?

Яқинда Сурхондарё вилоятида бир фермер 3 гектар ерда етиштирган пиёз ҳосилини йиғиштириб ўтирмай, устидан шудгорлаб ташлабди. Чунки бозорда пиёз нархи 300 сўмга тушиб кетган бўлиб, агар уни йиғиштириб,

транспортга юклаб, бозорга олиб бориб шу баҳода сотса, деҳқон янаям зарар кўради. Нобуд бўлган шунча ҳосилга ичинг ачийди. Бунинг турган-битгани уволку. Қилинган меҳнат, сарфланган харажат тўлиқ сувга оқди.

Мазкур муаммо шунча йиллардан буён ечилмаганига ажабланасан. Наҳотки, оддий одамларнинг миясига келган фикр озик-овқат, қишлоқ хўжалиги соҳаларига масъул идоралар мутасаддиларини шунча вақтдан бери безовта қилмади?

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

раиси ўринбосари Ҳусниддин Каримов бу ҳолатга шундай изоҳ беради: «Бу йил Марказий Осиёда об-ҳаво деярли бир хил ҳароратда бўлди. Шу сабабли бизнинг пиёзлар Қозоғистонники билан тенг етилди. Бу Ўзбекистон пиёзлари сотилмай қолиб кетишининг асосий сабабларидан бири. Авваллари Сурхондарё пиёзи Қозоғистонникидан 20 кун олдин чиқарди. Бу вақт ичида анча тонна маҳсулотни сотиб бўлардик. Бу йил эса «пропка» бўлиб қолди. Деҳқонлар, фермерлар, томорқа ер эгалари пиёзни сотишяпти, лекин фойда қилишмаяпти. Ваҳоланки, улар ҳосил ва даромадни 9 ой кутишган эди».

Тасаввур қилинг, Сурхондарё вилоятида 2021 йил ҳосили учун ҳозиргача 106,3 минг тонна пиёз етиштирилган. Бунга қанча меҳнат ва сарф-харажат тикилган. Хўш, юз берадиган эҳтимолий ва-

зиятларни ҳисоблаб, етиштириладиган ҳосилнинг яхши баҳода сотилишини кафолатлашда деҳқонга ким ёрдам бериши керак? Бу масалага фақат деҳқоннинг зиён кўриши эмас, халқимизнинг ризқ-рўзи увол бўлиши, деб қарашни қачон ўрганамиз?

Энди кейинги йил учун ҳеч қайси деҳқон пиёз экмайди, уни мажбурлолмайсиз ҳам. Чунки етиштирилган ҳосилига кўйиб қолишдан сақлашга ёрдам бермагансиз. Бугун унинг ҳосилини менсимаган харидорлар эртага ўн баробар қимматига бўлса-да кўзига суртиб сотиб олишлари тайин.

Айни пайтда деҳқонларнинг ҳосилини сотиш учун тадбиркорлар билан олдиндан шартнома тузишини йўлга қўйиш кераклиги ҳақида гапириляпти. Шунингдек, бир ой муддатда пойтахтимиздаги «Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгур-

жи бозори» ҳамда «Эски Жува деҳқон бозори» акциядорлик жамиятларида тажриба тариқасида бозор худудига кунлик кириб келган мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотлари тури, миқдори, уларнинг энг қуйи ва энг юқори нархи ва қайси худуддан олиб келинганини ўз ичига олган дастурий таъминот ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, мазкур чора-тадбирлар самара келтириши, хатоларни тузатишга ёрдам бериши мумкин. Фақат бу борадаги ишларни изчиллаштириш ва мукамал тизим сифатида тезроқ йўлга қўйиш лозим. Агар бошланган ишлар ярим йўлда қолиб кетса, деҳқонларимизнинг қосаси ҳали-бери оқармаслиги, бозорларимизда озик-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги кузатилиб туришига кўникишимизга тўғри келади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

УЙ-ЖОЙ

СУБСИДИЯ УЧУН БЕРИЛГАН АРИЗАЛАР НЕГА ВАҚТИДА КЎРИЛМАЯПТИ?

Амалдаги тартибга кўра, 18 ёшга тўлган фуқаро уй-жой субсидияси олиш учун мурожаат қилиши мумкин. Аризаларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юбориш мумкин.

Ҳар иккала мурожаат усули бир хил кучга эга. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар субсидия бўйича 20 мингдан ортиқ ариза келиб тушган бўлиб, 10 мингдан ортиғи кўриб чиқиш жараёнида, 8 мингга яқини рад қилинган. 2 минг 800га яқин аризага субсидия бериш тўғрисида хабарнома берилган.

Муаммо нимада? Албатта, давлат субсидия бериш орқали халққа ёрдам бермоқда, бироқ пастдаги «жараён» ўзгармаяпти-да. Давлат хизматлари агентлиги



томонидан ўтган йили субсидия беришда 550дан ва жорий йилнинг шу даврига қадар 400га яқин қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Уларнинг аксарият қисми ариза муддатининг кечиктирилиши билан

боғлиқ. Ариза ўз вақтида кўрилмаганидан кейин ҳар қандай фуқарода турли хил фаразлар туғилиши табиий. Асосий сабаблар сирасига худудий органларда кадрлар қўнимсизлиги, ходимнинг ишдан

кетилиши, бошқа жойга ўтишини келтириш мумкин. Бундан ташқари, айнан шу иш билан шуғулланган махсус лавозим, ходим йўқ.

Яна бир гап. Фуқаро аризаси битта тегишли орган томонидан ҳал қилинмайди. Агар комиссияда ҳокимлик, иқтисодиёт, молия, солиқ, тижорат банклари қатнашмаса, у ваколатли ҳисобланмайди. Чунки айнан тижорат банки кредит ажратади.

Эндиликда аҳолини уй-жой билан таъминлаш қўламини ошириш мақсадида янги тартиб жорий

этилмоқда. Ипотека кредитлари бўйича субсидия ажратишга оид фоиз, яъни шу вақтга қадар фуқароларимиз 80 фоизини банкдан олган бўлса, 20 фоизи дастлабки бадал эди. Дастлабки бадалнинг 10 фоизини ўзи тўларди, 10 фоизини давлат субсидия ажратган. Мана шу 20 фоизнинг дастлабки бадал кўриниши 20 фоиздан 15 фоизга тушириляпти. Ипотека кредитларининг умумий муддати 15 йилдан 20 йилга ошириляпти.

Нилуфар
ЮНУСОВА.

ЭЛЕКТР ТОКИНИ ТАДБИРКОР СОТСА, НАРХЛАР ТУШАДИМИ?

Энергетика вазирлиги тарқатган хабарларга кўра, Ўзбекистон улгуржи электр энергияси бозорига ўтишни режалаштирди. Натижада мамлакатимизда электр энергиясининг хусусий сотувчилари пайдо бўлади.



Маълумотларга кўра, 2021-2025 йилларга мўлжалланган уч босқичдан иборат улгуржи рақобатбардош электр энергияси бозорига ўтиш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Биринчи босқичда электр энергияси корхоналари эркинлаштирилади, ток сотиш истагида бўлган хусусий корхоналар лицензия олишади. **Иккинчи босқичда** электр энергиясини тақсимлаш тизими оператори

яратилади ва истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш функциялари таъминотчиларга босқичма-босқич ўтказилади. Мазкур таъминотчилар лицензия асосида истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу босқичда истеъмолчилар электр энергиясини онлайн савдо платформаси ёки исталган таъминотчи орқали сотиб олиши мумкин. Таъ-

минотчилар ўртасида рақобат муҳити шаклланиши орқали электр энергияси таъминоти сифати ошишига эришилади. **Учинчи босқич** — «Кун ичи («соатбай») савдолар» босқичи. Онлайн савдо платформасидаги эркин шартномалар ҳажмларига кўра, электр энергиясини режа асосида «соатбай» ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ортиқча ёки етишмаётган ҳажмларини сотиш ва сотиб олиш операциялари амалга оширилади.

Албатта, хусусий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ҳар қандай тизимнинг тўғри ишлашини таъминлашнинг бош мезони. Шу маънода соҳада йўлга қўйилаётган янгиликни қўллаб-қувватлаш

керак. Аммо, назаримизда, лойиҳани ҳали мукамал деб бўлмайди. Энергетика вазирлиги маълумотларида юқоридагилар орқали ток нархини пасайтиришга эришилар экан. Бироқ, бизнингча, бу — парадокс.

Биринчидан, илгари сурилаётган ғояга кўра, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасига яна бир қўшимча хусусий ташкилот киради. Табиийки, у ҳам электр энергияси қиймати устига ўз фойдасини қўйиб сотади. Бу ҳолда қанақасига нархларни пасайтириш тўғрисида гапириш мумкин?

Иккинчидан, хусусий таъминотчи корхоналар токни кимга ва қайси тармоқлар орқали етказиб беришади? Агар аҳолига етказиб берса, улар яна тайёр,

илгаридан мавжуд тармоқлардан фойдаланишади, бунинг учун тармоқлар эгаси, яъни давлатга маълум ҳақ тўлашса керак. Демак, нарх яна ошади.

Умуман, лойиҳа аҳолига етарлича тушунтириб берилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Зеро, вазирилик томонидан эълон қилинган маълумотлар мутахассис бўлмаган одам учун жуда чигал ва тушунарсиздир. Вазирилик нималар эвазига ток қийматини пасайтироқчи бўлаётгани мутлақо англашилмаган. Мавзу юзасидан баҳслар, муҳокамалар ўтказилиши керак. Ўйлаймизки, тез орада расмийлар масалага ойдинлик киритишади.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ҲУЖЖАТБОЗЛИК ҚИЛИБ, ҚОҒОЗ ТЎПЛАГАНДАН ФОЙДА ЧИҚМАЙДИ

Маҳалламизда 4 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Асосий тирикчилик — тадбиркорлик, хунармандчилик, хизмат кўрсатишдан иборат. Кейинги уч-тўрт йилда ҳудудимизда ишлаб чиқариш корхоналари сони кескин кўпайди.

Бундан ташқари, хунармандлик ривож топиб бормоқда. Новвойлик, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехлар ишлаб турибди.

Меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларимиз ҳам камайиб бормоқда. Мисол учун, 2020 йил бошида маҳалламиздан 300 нафар фуқаро Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун кетганлар рўйхатида турган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 75 кишини

ташқил қилади. Ўз ҳудудимизда муносиб иш билан таъминлаш натижасида бир йил ичида мигрантлар сонини шунчага камайтира олдик. Ажралишлар масаласида ҳам ҳудудимиз осойишта. Охириги марта оилавий ажралиш бундан 6 йил илгари содир бўлган. Бунга маҳалламиз қадимий ҳудудлардан бири экани, ўзига хос урф-одат, анъаналаримиз борлигини сабаб деб биламан.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, мавжуд 16 та кўчадан бор-йўғи иккитасигина таъмирланиб, асфальт қилинган. Баъзи кўчаларимиз жуда абгор аҳволда. Кўп бора тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Ниҳоят бу йил яна иккита кўчамиз таъмирлаш дастурига тушишига эришдик. Бундан ташқари, симёғочларнинг аксарияти алмаш-

тирилиши керак. Шунга қарамай, ҳудудимиздан канализация ўтказилгани, электр, газ таъминотидаги узилишлар тўлиқ бартараф этилгани фуқароларимизнинг қувончига сабаб бўлмоқда.

Таклифларга келсак. Мен 17 йил маҳалла раиси бўлиб ишладим. Тўғриси, уйма-уй юриш тизими кўплаб муаммоларни ҳал этганига гувоҳман. Шу тизимни доимий амалга қўйиш керак. Маҳалла фаоллари ҳар куни камидан 20 та хўжаликка кириб ҳол сўраб чиқишлари зарур. Ҳужжатбозлик қилиб, қоғоз тўплагандан фойда чиқмайди. Амалиётни кўпайтириш керак.

Жамолхон ЮСУПОВ,
Қўқон шаҳридаги
«Ғалчасой» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.



БИЛАСИЗМИ?

Кимларга фуқаролик олиш учун узлуксиз 5 йил яшаш талаб этилмайди?

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун (ЎРҚ-696, 14.06.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

Ўзгартиришга кўра, **2005 йил 1 январга** қадар Ўзбекистонда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон фуқароси деб тан олинади.

Шунингдек, ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистонда яшаб келаётган бола хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон фуқароси деб тан олинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудидан туғилган ва яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролигини олиш мақсадида илтимоснома билан мурожаат қилган кунга қадар **5 йил давомида** (фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан) узлуксиз яшаш шarti бекор қилиниши белгиланди.

ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ

ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?


Коррупция ҳақида гап кетар экан, бу иллат мамлакат барқарорлиги, хавфсизлиги ва демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимга бевосита таъсир кўрсатадиган энг жиддий ва хавфли ижтимоий таҳдидлардан биридир.

Унинг оқибатлари ахлоқий қадриятларнинг пасайишига, давлат муассасаларига бўлган ишончнинг йўқолишига, бозор иқтисодиёти ва демократик институтларнинг тўғри ишлашига таҳдид солишига, ижтимоий тенгсизликнинг чуқурлашишига ва тенг имкониятлар тамойилининг бузилишига олиб келади.

Шу сабабли мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш доирасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилинди. Ҳатто Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам ташкил этилди.

Бироқ порахўрлик ва коррупция ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Маълумотларга кўра, 2020 йил давомида коррупция билан боғлиқ (Жиноят кодекси 205-214-, 243-моддалари) жами 2270 нафар шахсга нисбатан 1502 та жиноят иши кўриб чиқилган.

Бунинг сабаби, порахўрлик ва коррупция ҳолатлари узоқ йиллардан буён ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетганлигидир. Бу



каби жиноятларни содир этган амалдорлар телевидение ва матбуотда намоиш этилса-да, суд, прокуратура, идора раҳбарлари ҳамда оддий фуқароларнинг ҳам онгига сингиб кетган феодализм сарқитлари, таъмагирлик, бюрократия жамиятимиз ҳаётидан батамом йўқолиб кетишига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина соҳаларда коррупциянинг илдизи сақланиб қолмоқда.

Хўш, нима қилмоқ керак? Коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришган мамлакатлар тажрибаси қандай?

Бу борада Грузиянинг коррупцияга қарши курашиш тажрибаси ноёб ва муваффақиятли бўлиб, унинг кўп жиҳатлари бошқа мамлакатларда мослаштирилиши ва қўлланилиши мумкин.

Грузияда амалга оширилган ислохотларнинг асосий натижалари ички ишлар органларининг йўл патруль хизмати инспекторлари 85 фоизга янгиланди ва улар сони бир неча бор қисқартирилди. Коррупция ҳолатларига алоқадор барча ходимлар ишдан бўшатилади ва уларнинг аксарияти қамқоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш байрам ва дам олиш кунларисиз 24 соат ишлайдиган хизмат кўрсатиш агентлиги томонидан, Давлат хизматига кадрларни қабул қилиш эса меритократия принципига мувофиқ амалга оширилди. Солиқ тизимида 25 та солиқ органлари қисқартирилиб, 6 та солиқ бўйича орган қолдирилди. Божхона тўловлари қисқартирилди ва деярли бу-

тунлай бекор қилинди. Қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштиришга рухсат бериш тўғрисида қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, айб презумпцияси жорий қилинди, бунда мансабдор шахс ўз мол-мулкани қандай қилиб қўлга киритганини тушунтириши лозимлиги белгиланди.

Бу борада Сингапур, Канада, Германия, Финляндия тажрибаси ҳам самаралидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида кўйидагиларни таклиф этамиз.**

Биринчиси, амалдорларнинг ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш ва уларнинг молиявий аҳволини диққат билан кузатиб боришдир. Агар молиявий тарафдан қандайдир ўсиш аниқланса у ҳолда ишдан ва даромадидан маҳрум қилган ҳолда жавогарликка тортиш зарур.

Иккинчиси, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда коррупция ҳолатларини камайитириш мақсадида

бу хизматни Давлат хизматлари агентлигига беришдир.

Учинчиси, пора талаб қилган ёки таклиф қилаётган шахсларга жиноий жазони кучайтириш ва айб презумпциясини жорий қилишдир. Бунда мансабдор шахс ўз мол-мулкани қандай қилиб қўлга киритганини тушунтириши лозимлиги белгиланади.

Тўртинчиси, коррупцияга қарши стратегияни амалга оширишда аҳолини кенг доирада ҳабардор қилиш, телевидениеда махсус видеофильмларни намоиш қилиш ва фуқароларни коррупцияга қарши курашда иштирок этишга жалб қилишдир.

Назаримизда, юқоридаги халқаро тажрибалар билан бирга, ушбу таклифлар ҳам амалиётда қўлланилса, ўйлаёмизки, коррупцияга қарши курашиш анча самарали кечади.

Сардор ТУРДИҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ЧЕККА ҚИШЛОҚ ЭЪТИБОРДАН ҲАМ ЧЕТДАМИ?

Маҳалламизда 14 та қишлоқ бўлиб, энг чекка ҳудуд ҳисобланади. Лалмикор ер бўлгани учун шунга мос экинлар экилади. Аммо бу йил қурғоқчилик бўлгани боис деҳқончилик яхши бўлмади. 26 та фермер хўжалиги бор. Уларда ҳам бошқа ҳудудлардаги каби мавсумий ишлар йўқ. Ҳамма фермерлар ўзлари оилавий ишлашади.



Ишсизлик — энг катта муаммо. Ҳудудда биронта корхона ёки ишлаб чиқариш цехи мавжуд эмас. Бўш ётган бинолар

эса бор. Ҳозирда 190 гектар ерга интенсив боғ қилиш мақсадида ҳужжатларни тўғри-ляяпмиз.

Муаммолар кўп.

Электр энергияси — энг катта муаммо. Трансформаторлар 70-йилларда ўрнатилган бўлиб, яроқсиз аҳволга келиб қолган. Симёғочлар ҳам абгор ҳолатда. Газ баллонлар етишмайди. Йўллар муаммоси 50 фоизга ҳал этилди ҳисоб. Ичимлик сув йўқ. Аҳоли қудуқдан ёки булоқдан олиб ичади. Носоз билан сув чиқарайлик, деса, электр энергиясининг қуввати етмайди. Болалар боғчаси шу

пайтгача бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ. Биттагина қишлоқ врачлик пункти бор. Аммо ҳолати кўнгилдагидек эмас. Маҳалла идораси йўқлиги боис авария ҳолатидаги бинода ўтираемиз. Компьютер жиҳозлари керак. Битта эски компьютер бор, у ҳам электр қуввати пастлиги боис ишламайди ҳисоб. Бу муаммолар бўйича мурожаат қилганмиз. Натижасини кутаямиз.

Таклиф. Туман

марказигача 65 км.лик масофа. Бориб келиш анча қийинчилик туғдиради. Бундай чекка ҳудудлардаги маҳалла раислари учун транспорт воситаси ажратилса, яхши бўларди. Муаммоларимиз кўп. Аммо имкон топиш ва ечим излашдан тўхтамаймиз.

Келдибой ЎРАЛОВ,
Пайариқ туманидаги «Накурт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ

БАҲОЛАШ НИМАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Одамлар ўртасида спортнинг оммалашши жамиятда соғлом турмуш тарзи қарор топишига хизмат қилади. Бу фақат жисмоний жиҳатдан кучлилиқ, соғломлик даражасини англамайди, балки кишиларда ҳаётга нисбатан онгли муносабат кучайиши билан изоҳланади.



Ҳақиқатан, тартибли, ҳаракатларини бирор мақсадга йўналтирган ҳолда яшайдиган инсон ҳар бир нарсани ақл тарозисидан ўлчаб кўришга одатланади. Натижада жамият аъзоларининг сифат жиҳатидан ўзгаришига гувоҳ бўламиз.

Президентимиз имзолаган «**Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида**»ги

қарорга асосан, жорий йил 1 августдан бошлаб юртимизда мазкур баҳолаш тизими йўлга қўйилиши ушбу масалага янгича нуқтаи назардан ёндашиш имкониятини беради.

Хўш, ушбу тизим қандай вазифани бажаради?

Биринчи навбатда, баҳолаш тизими бўйича спорт синовлари махсус ва ихтиёрий равишда аҳолининг **етти ёшдан етмиш ёшгача** бўлган қатлами ва ундан катталарнинг

жисмоний тайёргарлигини аниқлайди. Ўз навбатида, спорт синовлари поғона ва мураккаблиқ даражасидан келиб чиқиб, 15 турдаги, шу жумладан, узоқ ва қисқа масофаларга югуриш ҳамда сузиш, турникда тортилиш, анжомларни улоқтириш ва бошқа машқлардан иборат бўлади.

Айтиш жоизки, спорт синовлари иштирокчиларига **11 та ёш тоифаси** бўйича эгаллаган ўрни ва даражасига қараб, спорт разрядлари ва унвонлари берилади ҳамда улар моддий ва бошқа совғалар билан рағбатлантирилади.

Шугина эмас. Баҳолаш тизими бўйича ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, спорт синовларининг махсус талабларини муваффақиятли бажарган шахслар бир

йил мобайнида бир қанча имтиёзлар ва рағбатлантиришлардан фойдаланади.

Жумладан, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тўловининг **50 фоизини** чегирма билан тўлаш, ишга ёки ўқишга қабул қилишдаги энгилликлар ва ҳоказоларни айтиш жоиз.

Эътиборли жиҳати, бепул тарзда давлат туман (шаҳар) кўп тармоқли тиббиёт муассасасида бир марталик чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш, фарзандлари яшаётган жойдаги умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз жойлаштирилиши, барча давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларига

иш жойи ҳисобидан дам олиш масканлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилиши каби имтиёзлар назарда тутиляпти.

Албатта, барчаси анча таъсирчан, эътиборни тортадиган, қисқаси, кишиларни ушбу тадбирда иштирок этишга ундайдиган рағбат воситаларидир. Лекин мазкур тизимнинг адолатли ишлашини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки имтиёзлар атрофида қандай ўйинлар бўлишини яхши биламиз. Шу боис, жорий этилаётган аҳамиятли ишлар яхши самара беришини таъминлаш учун шаффоқлик, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Илғор ЗАМОНОВ,
блогер.

АКЦИЯ

«ИБРАТ» БОЛАЖОНЛАРИ ЭНДИ ЗЕРИКМАЙДИ

Дунёда болаларнинг шодон чеҳраси, қувноқ кулгусини кўрганда завқи келмайдиган, қалби ёришмайдиган одам бўлмаса керак. Бола қувончи ва кулгуси энг жиддий, ҳаттоки унча-мунча тошбағир кишининг ҳам кўнглини юмшатади. Руҳшунос олимларнинг таъкидлашича, кулиб турган болақайдан атрофга ижобий қувват ёйилар экан.

Биз ҳам яқинда бир йўла юздан ортиқ кулиб-қувнаётган болажонларнинг завқидан завқланиб, ижобий қувватини ҳис қилдик.

Бу ўғил-қизлар Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Ибрат» маҳалласида яшайдилар ва кечагина улар учун маҳалла ҳудудида қурилган замонавий болалар майдончаси фойдаланишга топширилди. Майдончанинг тантанали очилиш маросими ҳақиқий шодийнага айланди: болажонлар, айниқса, уларнинг оналарининг қувончлари чексиз эди.

Бу хайрли иш ташаббускорлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бош бошқармаси ҳамда «Enter Engineering» компаниялар гуруҳи бўлиб, бу икки таш-

килот саъй-ҳаракати билан «Ибрат» маҳалласи ҳудудидаги қаровсиз ётган 300 квадрат метрлик жой тозаланиб, текисланди ва болалар майдончаси бунёд этилди. Бундан ташқари, майдонча теварак-атрофи ободонлаштирилиб, яшил ҳудуд барпо қилинди. Ушбу объект «Enter Engineering» компанияси хайрия тадбирлари доирасига киради ва майдончани қуриш, жиҳозлаш учун компания томонидан 80 миллион сўм маблағ сарфланди.

Майдончанинг очилиш маросимида Миллий гвардия қўмондониди ўринбосари, полковник М.Ғаниев, Миллий гвардиянинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи, полковник Д.Нортожиев, Тошкент вилояти



ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И.Ибрагимов, оммавий аборот воситалари ходимлари ва маҳалла аҳли иштирок этди.

— **Маҳалламизда аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилувчи кўплаб иншоотлар бўлса-да, айнан болалар майдончаси йўқ эди, — дейди «Ибрат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Машрабжон**

Қодиров. — **Айнан шундай жойга эҳтиёжимиз жуда катта эди. Бу майдонча кичик ёшдаги болаларимизнинг боғча-мактабдан бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун хизмат қилади. Майдонча болажонларнинг ёзги таътилга чиққанда битказилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу хайрли иш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлган «Enter Engineering» компанияси ва бошқа**

масъулларга маҳалладошларимиз номидан миннатдорчилик билдираемиз.

Майдонча 2 ёшдан 14 ёшгача болалар учун мўлжалланган замонавий аргимчоқлару сирпанма-тирмашма қурилмалар, турли баландликдаги «турник»лар билан жиҳозланган ва майдончага сунъий чим тўшама ётқизилган. Майдончани тўлиқ болажонлар ихтиёрига топшириб қайтар эканмиз, анча жойгача уларнинг шўх-шодон кулгуси эшитилиб турди. Хуллас, шу кун «Ибрат» маҳалласидан ижобий қувватга тўлиб қайтдик.

Мавлуда АЗИМОВА,
«Enter Engineering»
компанияси
PR-хизмати бош
мутахассиси.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ БОШҚАЛАРНИ ХАФА ҚИЛМАСЛИК УЧУН КЕРАКМИ?

Футбол бўйича терма жамоамиз Саудия Арабистонига 3:0 ҳисобида шармандаларча ютқазиб, Жаҳон чемпионатида чиқиш йўлланмасини қўлга кирита олмагани кенг муҳокама қилинаётган бир пайтда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўйинчиларининг маошлари тўғрисидаги фактларни очиқлади.

Тўғриси, шу пайтгача ҳаммамиз футболчиларнинг ойлиги юқори эканини билардик, аммо бу даражада баланд экани тушимизга ҳам кирмаганди.

Тасаввур қилинг, «Пахтакор»нинг келиб чиқиши турк, лекин швейцариялик Эрин Дердийок деган ўйинчиси йилига 1 миллион 300 минг евро миқдорига «иш ҳақи» олар экан. Қисқаси, йигит «Пахтакор»да кунига ҳар дақиқада 31 минг сўм, ҳар соатда 1,9 миллион сўм, кунига 45 миллион сўм ишлаб топади. Келганидан бери (бир ярим йил бўлибди) ҳозиргача 19 та гол урган экан. Шу 19 та голни бир йилда урган, деб олсак ҳам битта голининг баҳоси 865 миллион сўм бўлиб чиқяпти.

Биламизки, бошқа футболчилар, футбол жамоаларидан ҳам тўловлар етарлича. Очиқ эълон қилинма-са-да, мукофотлар, қўшимча тўловлар ва ҳоказолар билан бирга, футболчининг маоши 50 миллион сўмдан ортиши тўғри-

сида кўп эшитамиз. Ора-сирада тўловлар тўғрисида ҳисобчилар ҳужжатлари ҳам турли йўллар билан жамоатчиликка ошкор бўлиб қолади. Хўш, бу харажатлардан мамлакат, миллатга нима наф?

Зора эди, бир марта, атиги бир мартагина бўлса-а, Жаҳон чемпионатида чиққан бўлсак. Кўнглимиз кўтарилиб, кетаётган пулни ҳам гапирмай қўяқолардик. Лекин, афсус. Футболчилар халқ ишончини оқлай олишмаяпти. Ишончини-ку қўйинг, нафратига, ғазабига дучор бўлишяпти. Фақат ютқазадиган футбол ўзбекларга нима учун керак? Тез-тез жаҳонга шарманда, майна бўлиб туриш учунми?

Бугун тўғриси эзаман. Собиқ иттифоқдан спорт соҳасида бизга ажойиб аъналар, жумладан, футболда Осие минтақасидаги энг кучли футбол жамоалари, терма жамоаларидан бири мерос қолган эди. Ўтган ўттиз йил ичида биз уни нафақат минтақа, балки дунёдаги энг ожиз жамоалардан бирига

айлантирдик. Бунга кунни кеча Саудия билан бўлиб ўтган ўйин ҳам мисол бўла олади. Ваҳоланки, соҳага миллиардлаб давлат бюджети маблағлари сарф қилинади. Дунёдаги энг кўзга кўринган мураббийлар олиб келинди. Замонавий стадионлар барпо этилди. Умуман, ҳисоботларда яна кўплаб қилинган ишлар тўғрисида ўқиниш мумкин.

Бизнинг-ча, мамлакат футбол стратегиясини мутлақо бошқадан кўриб чиқиш лозим. Акс ҳолда бунчалар серчиқим ва самарасиз соҳанинг бизга кераги йўқ. Унинг ўрнига ўнлаб мактаблар, боғчалар, ишлаб чиқариш корхоналари қурганимиз яхши. Йўлларни таъмирласак маъқул.

Футболни буткул ўз ҳолига ташлаб қўя-қолса ҳам бўлади. Мана газеталарни ташлаб қўйдик-ку. Ўз пулини ўзи топсин, рақобатга яраша ишласин, деяпмиз. Марҳамат, футболчилар ҳам шундай қилишсин. Ўйинига қанча кўп томошабин жалб қила олса, чипта пу-



лидан, футболкасига осиладиган реклама ҳисобидан кун кечирши.

Яна «Пахтакор»га қайтсак. Бугун «пахтакор» деган сўз халқ тилида бир неча талқинда ишлатилади. Уларнинг энг кенг тарқалгани «лаганбардорлик» маъносини беради. Бундан ташқари, ўзбеклар энди фақат пахта экиб, тирикчилик қиладиган халқ эмас. Мамлакатнинг тимсоллари ҳам бошқа. Янги Ўзбекистон пойтахтининг бош жамоасига эски замондан қолиб кетган бу ном ярашмаслиги ҳам аниқ.

Қисқаси, бугун биргина футбол жамоаси маошлари тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилингани

Ўзбекистонда давлат бюджетиданми, тадбиркорнинг чўнтагиданми, фарқи йўқ, мақсадсиз, беҳуда ишлатилаётган пул оқимини чеклаш лозим бўлган соҳалардан бирини кўрсатиб берди. Бундан хабар топган 3 миллион сўм етмайдиган ойликка ишлаётган врачлар, ҳамширалар, ўқитувчилар, инженеру қурувчилар, кечаю кундуз ишлайдиган маҳалла раислари, ҳайдовчилар, хуллас, ҳамма бугундан тўп тегишга тушиб кетишмаса бўлди. Зеро, «профессионал футболчиларимиз» кўрсатаётган натижа даражасида ўйнаш уларнинг ҳам қўлидан келади.

Шерали ҚИРҒИЗБОЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ДАСТУРГА КИРИТИЛГАН БЎЛСА-ДА, АМАЛГА ОШМАДИ»

Маҳалламизда 8 та қишлоқ жойлашган бўлиб, тумандаги энг катта йиғин ҳисобланади. Аҳоли, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Маҳалламизни кўпчилик қурувчи усталар маҳалласи, деб ҳам аташади.

Боиси бизда усталар кўп, ҳар бир катта уста ёнига 15 ёки 20 нафар кишини олиб, «бригада» қилиб олган. Айниқса, уларни ёзда ушлаб бўлмади. Қўшни туманларга, ҳатто бошқа вилоятларга ҳам буюртма асосида олиб кетишди. Уларнинг ҳар бири айни пайтда ойига 4 млн. сўмдан оиласига даромад олиб келишяпти.

Ҳудудда 7 та фермер хўжалиги бор. Ғалла ўрими бошланяпти. Ғалладан бўшаган ерларга ик-

кинчи экин экиш учун 104 нафар кишининг рўйхатини қилдик. Ҳар бирига нима экишига қараб, 25 сотихдан 50 сотихгача ер бўлиб бермоқчимиз.

Муаммолар бор. Энг катта муаммомиз — ичимлик сув. Аҳоли сувни сотиб олиб ичяпти. 40 литр сув икки минг сўм туради. Устига-устак, бу йил ёмғир яхши бўлмади. Оқар сувлар ҳам кам. Ўтган йили тегишли дастурга томорқада фойдаланиш учун 5 та қудуқ қилиниши киритилган эди. Аммо

дастурга киритилган бўлса-да, ташаббускор бўлмагани учун бу нарсани амалга ошмади. Бошланғич тўлов учун 60 млн. сўм тўланиши керак, дейишганди. Яна бир масала — ҳудудда 8 та қишлоқ бўлса-да, қишлоқ врачлик пункти йўқ. Аҳоли тиббий хизмат учун жуда қийналишади. Айниқса, ёш болалари оилалар ва кексалар учун тиббий хизматнинг бўлиши муҳим. Қолаверса, 3 та трансформатор авария ҳолатида бўлиб, аксарият симёғочлар

яроқсиз ҳолатда турибди. Муаммоларимиз бўйича мурожаат қилганмиз. Натижасини эса кутишдан бошқа чора йўқ.

Таклиф. Ҳудудимиз жуда катта бўлгани боис иш жараёнида ҳаммасига улгуриш қийин бўляпти. Ҳеч бўлмаганда, иккита штат қилиш керак. Аслида, маҳаллани икки қисмга бўлса ҳам ишлаш анча осон кечарди. Бу хусусида мутасаддиларимиз ўйлаб кўришса, яхши бўларди.

Яна бир гап.

Айни пайтда маҳалла идорасини ҳашар йўли билан қуришимиз. Қурувчилар ўзимиздан. Одамлар қўлдан келганча ёрдам қилишяпти. Ҳашарчиларни хонадонлар навбатма-навбат овқатлантиришяпти. Аҳолининг маҳалла тизимига ишончи катта. Бу эса бизни янада руҳлантиради.

Муҳиддин ХУДОЁРОВ,
Нарпай туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Мамлакатимизда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Бироқ уларнинг амалиётда ижро этилиш ҳолати қониқарли даражада эмас.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ:

ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР КУТИЛМОҚДА?



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

Сўзимизни олиб борилган **мониторинг ва текширув натижалари ҳам исботлайди.** Хусусан, 2020 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тамаки маҳсулотининг чакана савдоси, реклама қилиш, сотувини рағбатлантириш, ҳомийлик қилиш юзасидан мактаблар атрофи ва бошқа жамоат жойларида ўтказилган жамоатчилик мониторингига кўра, қонун ҳужжатларида тақиқланган бўлсада, сотув жойларининг **38,8 фоизи мактаблардан 200 метрдан кам бўлган масофада жойлашган.** Кўчада савдо қилувчиларнинг **89 фоизи сигареталарни доналаб** сотган ёхуд савдо жойларида тамаки маҳсулоти намойишга қўйилган ҳолларнинг 61,2 фоизида бундай маҳсулот **ўйинчоқлар ва ширинликлар олдига қўйилган.**

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокама қилинмоқда. Негаки, амалдаги қонун ҳужжатларида ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг кучсизлиги ва уларда бўшлиқларнинг борлиги натижасида амалдаги қонунчиликда белгиланган қоидалар ва чекловларга риоя этиш даражаси паст. Шунингдек, замона-

вий тамаки (никотин) маҳсулотининг айланмасини тартибга солиш масалалари амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган. Натижада аҳоли, айниқса, **ёшлар орасида бундай маҳсулотларни истеъмол қилиниши тез суръатларда оммалашмоқда.**

Шунингдек, тамаки маҳсулотини реализация қилиш юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, кундалик ҳаётда бундай маҳсулотнинг чакана савдоси билан аксарият ҳолатларда яқка тартибдаги тadbиркорлар томонидан ноқонуний шуғулланишига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳасида нималар акс этмоқда?

Лойиҳада алкоголь ва тамаки маҳсулот ва мосламаларни 21 ёшга тўлмаган шахсларга ва 21 ёшга тўлмаган шахслар томонидан, савдо автоматлари орқали, электрон тижорат шаклида (маҳаллий кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно), сайёр ва тарқатма (қўлда, лотокларда, саватчаларда, қўл аравачаларида) савдо йўли билан, масофавий сотиш усулида, турғун савдо объектларидан ташқарида, дорихоналарда, болалар учун товарларни реализация қилишга мўлжалланган хоналарда, болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар учун мўлжалланган бошқа товарларига ўхшатиб ишланган бўлса, истеъмол ўрвида йигирма дондан кам сигарета бўлса реализация қилишни **тақиқлаш кўзда тутилмоқда.**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш мумкин бўлмаган



жамоат жойларининг аниқ рўйхати кўрсатилиб, чекиш учун ажратилган махсус жойларга минимал талаблар белгиланмоқда ҳамда белгиланган қоидаларни ижро этилишини таъминлаш учун масъул шахслар мажбуриятлари аниқланмоқда.

Ноқонуний айланманинг олдини олиш учун импорт қилувчи ва ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотларни рақамли маркировкалаш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва айланмасини ҳисобга олиш ахборот тизимларининг татбиқ этилиши кўзда тутилмоқда.

Барча чекилмайдиغان (тутунли) тамаки маҳсулоти, шу жумладан, никотинли чекилмайдиغان (тутунсиз) маҳсулотлар Ўзбекистонга олиб кирилиши ҳамда реализация қилиниши тақиқланмоқда (бундан носвой мустасно). Чакана савдони амалга ошираётганда тамаки маҳсулоти ҳамда тамаки ва никотин истеъмол қилиш учун мосламаларнинг турғун савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида кўрсатиб қўйиш ва **очиқ намойиш этиш тақиқланмоқда.**

Халқаро тажриба қандай?

Чет эл мамлакатларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотишга доир қатор чекловлар белгиланган. Хусусан, АҚШ ва Қозоғистонда 21 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш мумкин

лакатларда умумий овқатланиш корхоналарининг (кафе, ресторани, бар ва бошқалар) ёпиқ жойларида чекиш тақиқланган.

Яна бир гап, 2016 йилда АҚШнинг Рак бўйича миллий институту ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг иқтисодий адабиётларни кенг қамровли ўрганишлари шуни кўрсатдики, жамоат жойларида, иш жойларида, жумладан, ресторани ва барларда **чекишни тақиқловчи қонунлар «иқтисодий томондан салбий таъсир кўрсатмаган».** Аксинча, бундай тамакига қарши кенг қамровли қонунлар бизнесга кўпинча иқтисодий томондан ижобий таъсир кўрсатган.

Жамоатчилик нима дейди?

Эътиборли жиҳати, қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси (29 октябрь – 11 ноябрь 2020 йил) даврида жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан кенг қўллаб-қувватланган. Муҳокамада иштирок этган фуқароларнинг 80 фоизи қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган, 3 фоизи салбий муносабат билдирган ҳамда 17 фоизи бетараф ҳолда қонун лойиҳасига ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирган.

Қандай натижалар кутилмоқда?

Чекилмайдиغان тамаки маҳсулоти айланмасини тақиқлаш ширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда ёш авлоднинг никотинли снюсни чекишни бошламаслиги ва натижада, Ўзбекистон аҳолиси орасида янги наркотикнинг янги эпидемияси олди олинади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг пештахталарида тамаки маҳсулотини қўйиш ва намойиш этишга йўл қўйилмаслиги ёшларнинг ҳамда чекишни ташлаш учун ҳаракат қилаётган кашандаларга чекишни бошламаслигига ёрдам беради. Тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш мумкин бўлмаган жойларнинг аниқ рўйхати кўрсатилиши жамоат жойларида 100 фоиз тамакисиз муҳит яратишга ҳуқуқий асос яратади.

Алкоголь ва тамаки истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар ва улар туфайли юз берадиган барвақт ўлимлар қисқаради (айниқса, эркаклар орасида), жумладан, жигар ва жигар ичи ўт йўллари раки, жигар циррози, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари, юрак-томир касалликлари ва уларнинг асоратлари, миокард инфаркти, мия инсульту, атеросклероз ҳамда милк, лаб, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ҳиқилдоқ, қизилўнғач ва ошқозон раки. Маст ҳолатда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, ёнғинлар, жароҳатлар ва тутунли тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган ёнғинлар ва жароҳатлар ҳамда ушбу фалокатлар туфайли юз берган барвақт ўлимлар камаяди.

Умуман, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниши нафақат аҳоли саломатлигига, балки мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Барча учун тамакисиз муҳит яратишга қаратилган комплекс қонунларгина чекмайдиغانларнинг соғлигини ҳимоя қилади ва чекувчиларнинг чекишни ташлашга ундайди.

ОЛТИН ҚУЙМАЛАРНИ ҚАЙТА СОТИШ ҚАЧОН ОСОНЛАШАДИ?

Ўтган йилдан бошлаб, оғирлиги 5, 10, 20 ва 50 грамм бўлган, 999,9 софликдаги олтиндан тайёрланган қуймалар махсус ҳимоя қадоқларида сотувга чиқарилмоқда. Бу ўринда ҳақли саволлар туғилади: олтин қуймаларни сотиб олиш қанчалик афзал? Сотиб қандай бўлади?

Марказий банк халқаро захираларни бошқариш департаменти директори Санжар Валиевнинг сўзларига кўра, олтин қуйма сотиб олиш давлат учун иқтисодий самара беради. Масалан, ўз пулларини АҚШ долларидан сақлашга одатланган одамлар бунинг ўрнига қуймалар сотиб олишлари мумкин. Бу эса валютага бўлган умумий талабни камайтиради. Ўз навбатида, бу ҳолат иқтисодиётда долларлашувнинг пасайишига олиб келади. Ҳозирда бунга деярли барча ривожланаётган мамлакатлар интилмоқда. Шунингдек, олтин ҳеч бир мамлакат иқтисодиёти ёки валютасига боғлиқ эмаслиги, бу эса инқироз шароитида захира маблағи бўлишига имкон беради.

Албатта, давлат

учун олтин қуймалар сотуви ижобий натижа бериши яхши. Чиндан ҳам агар сиз олиб-сотиш учун эмас, узок муддатли жамғаришга мойил, маблағларингизни турли воситаларда диверсификациялашга ўрганган бўлсангиз, олтин қуймалар жудаям жозибали инвестиция бўлади. Белгиланган тартиб бўйича ҳимоя қадоқлари бузилмаган олтин қуймаси шохобчага топширилганда шу куннинг ўзида сотиб олинади. Ҳимоя қадоқлари шикастланган ва техник талабларга мос келмаган ҳолатдаги олтин қуйма шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги далолатномани расмийлаштирган ҳолда шохобча томонидан қабул қилинади ва техник экспертиза



ўтказилгандан сўнг пули тўлаб берилади.

Муаммо нимада? Шундай деймиз-у, олди-сотди жараёнида бир қатор муаммолар кузатилмоқда. Жумладан, бугун қайси банкка мурожаат қилманг, биринчи айтадиган гапи: «олтин қуймаларни қайта сотиб олиш бўйича инструкциямиз йўқ», дейди. Чиндан ҳам, ҳозирда ҳамма банкларда бу амалиётни бажариш имконияти яратилмаган. Яъни маълум белгиланган

банклардагина (мисол учун, Миллий банк) олтинни қайта сотиб олиш мумкин. Кўриб турибдики, бунда миқдорнинг вақти кўп кетади, ҳужжатбозлиги талайгина.

Иккинчидан, Марказий банк масъуллари қайси филиалларда олтин қуймалари қайта сотиб олиниши ҳақида расмий веб-сайтда маълумотлар бериб борилишини айтса-да, бу ҳақдаги маълумотни сайтдан тополмадик.

Учинчидан, қайта сотиб олиш нархи

ҳеч қаерда кўрсатилмаган. Ҳатто Марказий банк расмий сайтида ҳам бу ҳақдаги маълумотлар йўқ. Уни фақат ўша банкнинг ўзида туриб Марказий банкка қўнғироқ қилиш орқали билиб олиш мумкин, холос.

Демак, сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилган экан, марҳамат қилиб, уни сотиб олиш хизмати ҳам шунга муносиб бўлиши, тўғри ташкил этилиши, имкон қадар қулайликлар яратилиши лозим. Шундагина одамлар бюрократиядан холи хизматдан фойдаланиш, мавжуд жамғармаларини олтинга айлантириш иштиёқида бўлади. Йўқса, ўзи шундоқ ҳам бюрократик тўсиқлардан чарчаган одамларни қизиқтириб бўлмайди.

Нуриддин ШАРИПОВ.

КЎЗГУ

НЕГА КРЕДИТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БЕРИЛАДИ?

Ҳозирда тижорат банклари томонидан «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида фуқароларга оилавий бизнесни ривожлантириш учун БҲМнинг 150 бараваригача миқдорда, 3 йилга (6 ойлик имтиёзли давр), 14 фоизлик устама ҳақи билан кредит ажратилмоқда. Албатта, фоизнинг пастлиги, имтиёзли даврнинг мавжудлиги яхши.



Бироқ кредит олиш учун керакли ҳужжатлар билан танишар экансиз, «мол етказиб берувчилар билан тузилган олди-сотди шартномаси» бўлиши кераклиги эътиборни тортади.

Муаммо нимада? Дастур доирасида берилаётган кредит қайсидир таъминотчига пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Кўпинча

бу вазиятдан «олғир тадбиркорлар» унумли фойдаланиб қолаётгани бор гап. Зеро, кредит маблағи айнан ҳокимлик рўйхатидан ўтган таъминотчи ҳисоб-рақамига ўтказилиши шарт. Бироқ бу ўринда кредит арзонлиги ўз аҳамиятини буткул йўқотади. Чунки ўша аввалдан белгиланган хўжалик субъекти товарни нисбатан ва

баъзида қаррасига қиммат нархларда сотади. Бундан келиб чиқадики, мисол учун, чорва моллари бозорда 10 миллион сўмни ташкил қилса, таъминотчига пул ўтказиш йўли билан тўлов қилинган учун уларнинг нархи ўз-ўзидан 15-20 миллионга айланб кетиши ҳеч гап эмас.

Яна бир гап: бу ўринда ҳар доим ҳам маҳсулот сифати талабга жавоб берадими? Зеро, фуқаро кредитни ўз бизнесини бошлаш учун олади, банкрот бўлиши учун эмас. Хўш, нега миқдор маҳсулотни мажбурий тартибда қайсидир ташкилотдан олиши керак? Кредит одамларга нақд ёки пластик картага ўтказиш йўли билан берилмайдими?

Маблағ қарзга берилаётган бўлса, фоизи билан қайтарилса, нега аҳоли маҳсулотни аниқ белгиланган, қиммат сотаётган таъминотчидан олиши керак, уни ўзи истаган жойдан сотиб олса бўлмайдами?

Бу саволга банк масъулларининг жавоби тайин: банк миқдорга ўз ресурсларидан кредит ажратса, фоиз ҳисобига ўзи манфаатдор бўлади. Бироқ аҳолини оилавий бизнесга жалб қилишга қаратилган дастурларга ҳукумат ресурс ажратади. Яъни фуқаро маҳсулотни фақат таъминотчидан олиши кераклиги ҳамда банк томонидан пул маълум бир ферманинг ҳисоб-рақамига кўчириб берилиши Ҳукумат томонидан белги-

ланган. Банк бу ерда фақат ижрочи. У ўзи билганича кредитни нақд ёки пластик картага ўтказиш орқали беролмайди.

Муаммо аниқ, ечими ҳам бор. Яъни фуқаролар кредит маблағини ўзи истаган усулда олишига эришиш лозим. Шундагина у қарзга олаётган пулига яна қиммат нархларда маҳсулот сотиб олишга мажбур бўлмайди. Ўзи хоҳлаган ердан, ўзи келишган ҳолда сотиб олаверади. Муҳими, банкка қарзини вақтида қайтарса бўлгани. Бу ўринда банклар томонидан кредитдан самарали фойдаланганлик даражаси ўрганиб борилса кифоя.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНАЁТГАН ДАРЁЛАРГА КИМ ЖАВОБГАР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Қашқадарё вилояти ҳудудларидаги дарёлар ҳолати парламент назорати тартибда ўрганилганда соҳада қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, айрим тадбиркорлар томонидан дарёларнинг ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш учун берилган **экспертиза хулосалари муддати ўтган бўлса-да**, фаолият юритаётгани ва мавжудлари ҳам техник шартларга зид равишда қум-шағал материалларидан тартибсиз равишда фойдаланилаётганлиги аён бўлди. Бунинг натижасида бугунги кунда мавжуд дарё ва бошқа сув объектлари ландшафтлари ўзгариб, табиий ресурсларга, жумладан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, улар яшаш ва ўсиш муҳитига, қум-шағал захира-ларига катта зиён етказилмоқда.

Дарёлар ўзанларининг қум-шағал захира-ларидан ноқонуний фойдаланиш оқибатида дарё ўзанларининг



чүқурлашиши ер ости ичимлик суви захира-ларининг ифлосланишига, дарё ўзанларидаги стратегик объектлар (кўприклар, магистрал йўллар, газ ва сув қувурлари ва бошқ.) хавфсизлигига, шунингдек айрим дарё ўзанларида ҳосил бўлган ноқонуний чиқиндиҳоналар эса маҳаллий аҳолининг ҳаётига ва уларнинг мол-мулкига хавф солмоқда. Дарё ўзанларининг чүқурлашиши дарё қирғоқларининг ўпирилишини, ботқоқликларнинг пайдо бўлишини келтириб чиқармоқда. Дарё атрофидаги минглаб гектар

майдонларнинг сув таъминотига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, дарё ва каналлар қирғоқларида қум-шағал ортиш билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлар техника-ларининг (экскаватор, тошни қайта ишлаш ва ювиш қурилмалари, юк машиналари) йил давомида ишлаши натижасида очик сув ҳавзасидаги ичимлик сувининг ифлосланиши мазкур сувдан ичимлик сифатида фойдаланаётган маҳаллий аҳолининг ҳақли эътирозини келтириб чиқармоқда.

Кенг тарқалган фойдали қазилма-

лар ресурсларига келтирилган зарарни ундириш бўйича **меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги боис тегишли назорат юритувчи орган инспекторлари томонидан қонунбузар фуқарога ва мансабдор шахсларга нисбатан таъсирчанлиги паст бўлган маъмурий жазо қўлланилган, холос.** Шу сабабли кейинги вақтларда мазкур соҳада ноқонуний фаолият олиб борадиган сохта «тадбиркор»лар сони кўпаймоқда.

Бунинг натижасида Қашқадарё, Оқсув, Лангар, Ғузор дарёларида ва бошқа канал ва коллекторларда ушбу салбий манзаралар вужудга келган. Мазкур сув объектлари қирғоқларидаги ушбу «манзара» бу борадаги

назорат ишларини кучайтиришни, дарё қирғоқларини тартибга солиш ва мустаҳкамлашни талаб этади.

Тақлиф: йўл қўйилган камчиликларга чек қўйиш ва соҳада назорат ишларини олиб боришда идоралараро гуруҳлар фаолиятига фуқаролар назорати институтидан кенг фойдаланиш назорат тизими самарадорлигини ошириш имконини беради. Зеро, демократик кадрятлар такомиллашиб бораётган бугунги Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси нафақат давлат ёки жамият, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

НУҚТАИ НАЗАР

ЖАРИМА ТЎЛАСА, ЖОЙ ҲАМ ТЎҒРИ ТАНЛанади, СУВ ҲАМ КЕЛАДИ

Бу йил ёз ҳар қачонгидан иссиқ келади-ган кўринади. Аини жазирама шундан дарак берапти. Одамлар-ку, амаллаб жон сақлапти. Лекин кўча-кўйда қуриётган ниҳолларга ачинади киши. Қанча меҳнат, қанча пул... Ҳар йили миллионлаб дарахт экамиз, деб жар соламиз-у, лекин уларнинг ярмини ҳам сақлаб қолмаймиз.

Бир ой олдин Тошкент шаҳри ва вилоятида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида «1 миллион дарахт» экиш ташаббуси қўллаб-қувватланган эди. Ҳар йили шунча дарахт экилса, шаҳар яқин йилларда ўрмонга айланади-ку, деб кўпчилик хурсанд бўлганди. Лекин яқинда шаҳарда экилгани **75 мингта дарахтдан 52 мингтадан ортиғи қуриб қолгани** ҳақидаги хабарни ўқиб, ҳафсалам пир бўлди. Мутахассис бунинг сабабини жой танлашда хатоликка йўл қўйилгани, суғориш тизими йўқлиги билан изоҳлабди.

Менимча, бу изоҳга ўзлари ҳам ишонмаса керак. Чунки Тошкентнинг ерига чўп тикиб

қўйсанг ҳам кўкаради, деган гап бор. Фақат иссиқ кунларда бироз сув бериб турса бўлгани. Орол денгизининг қуриган шўр ерида дарахтлар кўкартираётган бир пайтда **Тошкентда дарахтларни сақлаб қолиш қийин бўляпти дейиш, чўпчакдан бошқа нарса эмас.**

Хўш, жой танлашда хатоликка йўл қўйилган ҳам дейлик. **Лекин 52 мингта дарахтнинг уволи, унга кетган харажат, меҳнат учун ким жавоб беради?**

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор деганларидек, қачонгача бу хатолик такрорланади? Ахир бу ҳам ҳалқнинг пешана териси-ку! **Қуриган дарахтнинг**

ҳар бирини 15 минг сўмдан ҳисобласак (манзарали дарахтлар ундан-да қиммат), 780 млн. сўм бўларкан. Ҳар йили мамлакатимизда тахминан 140-145 миллион дона ниҳол экилишини эътиборга олсак, қанча маблағ увол бўлишини ҳисоб-китоб қилаверинг. Суғориш тизими йўқ экан, сув ташувчи машиналар ёрдами билан суғориш мумкин-ку!

Хўш, энди нима қилиш керак? Ҳар йили шу чўпчакка ишониб, ўтиравера-мизми?

Тақлифим: дарахтни кесганларга жарима солингани каби дарахт экиб, парвариш қилмаганлар ҳам



жаримага тортилиши керак. Яъни давлатнинг пулига «биз шунча минг дарахт экдик» деб ҳисобот берадиган ҳокимият, ободонлаштириш бошқармалари, ташкилотлар эккан ниҳоли кўкармаса, чўнтагидан жарима тўласин. Шундагина «жойни нотўғри танлаб қўйибмиз, суғориш тизимига уланмаган экан», деган баҳоналар бўлмайди. **Жарима тўласа, жой ҳам тўғри танланади, сув ҳам келади.**

Одамлар ҳам ён-атрофи, маҳалласида экилган ниҳолларга эътиборли бўлиб, парваришлаб турса

ҳам қанчадан-қанча дарахтларни сақлаб қолган бўламиз. Яъни бу «**давлатники-ку, менга нима**» деган қарашдан воз кечиш лозим. Керак бўлса, дарахтпарвар инсонларни рағбатлантириш керак.

Бу борада хорижий тажрибани ҳам ўрганиш керак. Масалан, Нью-Йоркда ҳар бир дарахт учун персонал карточка тайёрланади экан ва у орқали дарахт тўла назорат қилинади экан. Ҳар бир дарахт шаҳар бюджетини ўртача 165 долларга тежар экан.

Жаҳонгир ЗИЁЕВ.

НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛ БЎЛМАСА, ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИ ФОШ ЭТОЛМАЙДИ

Ҳар бир соҳада назорат-текширув органлари фаолият кўрсатади. Шунга қарамай, қайси тизимни олиб қараманг, қонунни четлаб ўтиш ҳолатлари, камчиликлар тикилиб ётибди. Хўш, назорат органлари қаёққа қараяпти?



Назаримизда, барча назорат қилувчи идоралар ва уларда фаолият кўрсатувчи ходимлар сони ҳисоблаб чиқилса, ҳар бир ташкилот ва корхоналар фаолиятининг қонунийлигини ойнадагидек кўриб туриш имконияти мавжуд. Аслида ҳам улар шуни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган-да. Натижага эътибор қаратсангиз, бажарадиган иши самарасизлиги кўриниб туради.

Шундай экан, назоратчи идоралар нима учун ўз ваколати ва қамрови доирасида қонунга зид ҳолатларни фош этмайди? Ёки улар

ҳам қонунбузарларга шерикми? Умуман олганда, бирор ташкилот ёки корхонадаги қинғир ишлар фош бўлганда, айна шу ҳолатлар бўйича назорат-текширув ишларини олиб бордиган органлар нега тенг жавобгар бўлмайди?

Нагоя университети тадқиқотчиси Адҳам Баратовнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги «айрим назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда назорат қилишнинг энг муҳим инструменти бўлмиш мустақиллик тамойили кўп ҳолларда қафолатланмай қолиб

кетди». Тадқиқотчи мазкур идораларни «квази-мустақил», яъни кўринишидан мустақил, аммо фаолиятида ташқи сиёсий таъсирга қарши «ҳимоя қобиғи»га эга бўлмаган, дея тавсифлайди.

Дарҳақиқат, назорат-текширувчи идоралар фаолиятининг кутилган самара бермаслиги айнан уларнинг ташқи таъсирлардан ҳимояланмаганлигидир. Кўпчилиги нафақат ташқи таъсирлардан ҳимояланмаган, балки ўзи бўйсунувчи тизимни текшириш ва назорат қилишдек мантиқсиз мажбуриятни бажара олмай аросатда.

Мисол учун, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги йўл-қурилиш сифатини назорат қилиш инспекцияси айнан Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини назорат қилади.

Ваҳоланки, инспекция ҳам, Автомобиль йўллари қўмитаси ҳам, ўз фаолиятида Транспорт вазирлигига бўйсунди.

Янаям **қизиқ мисол,** Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Нефтгазинспекция» айнан Энергетика вазирлиги идоравий бўйсунувидаги корхоналар фаолиятини назорат қилади. **Тасаввур қилинг:** дейлик, «Нефтгазинспекция» АЖ фаолиятини назорат қилмоқчи. Жамият кузатув кенгашининг раиси — Энергетика вазирининг ўзи. Соддароқ айтадиган бўлсак, «Нефтгазинспекция» ўзини ва ходимларини бевосита лавозимга тайинлайдиган ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган раҳбари фаолиятини назорат қилиши керак...

Бош прокурор Ниғматулла Йўлдошев апрель ойида бўлиб

ўтган Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида айнан шу ва бошқа назорат органлари фаолиятидаги камчиликлар бўйича аниқ фактларни келтирганди.

Тан олиш кераки, мамлакатимизда кейинги тўрт йил ичида катта микёсдаги маъмурий ислохотлар амалга оширилди. Эндиги навбат эса мазкур соҳада ўзгаришлар қилишга етган, деб ўйлаймиз. **Бошқача айтганда,** назорат-текширув тизимидаги манфаатлар тўқнашувига тезда барҳам бериш, бунинг учун назорат органлари мустақиллигини таъминлаш кечиктириб бўлмас масаладир. Зеро, мустақил бўлмаган назорат органлари учраётган қонунбузарликларни фош этиш ва йўқотишда ёрдам беролмайди

Илғор ЗАМОНОВ,
блогер.

ФАХР

«ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИМКОНИЯТ КАТТА»

Маҳалла тизимидаги 12 йиллик тажрибамдан айтишим мумкинки, бугун ишлайман деган маҳалла раисига имкониятлар катта. Илгари бирор муаммони ҳал этишга қийналардик. Бугун эса қаерга борсак ишимиз битяпти. Бунда мутасаддиларнинг маҳаллаларга бириктирилгани анча қўл келмоқда.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтишим лозимки, маҳалладаги муаммоларнинг қанчалик тез ҳал бўлиши кўпроқ сектор раҳбарларига боғлиқ.

Негаки, бизнинг маҳалладаги аксарият юмушлар бевосита 2-сектор раҳбари кўмаги билан амалга оширилмоқда. Турмушбод кўчамиз катта бўлгани учун айрим жойларига «Тез ёрдам» машинаси боролмасди. Мактаб ўқувчилари ҳам 4 км.лаб айланиб мактабга қатнарди. Яқинда 1 км. йўл очилиб, барча муаммолар ҳал этилди.

«Ёшлар дафтари»даги ёшларга ҳам катта имкониятлар берилмоқда. 35 нафарига кредит, 5 нафарига субсидия, 5



нафарига қорамол, 15 нафарига 10 сотихдан ер, 6 нафарига эса тикув машиналари олиб берилди. Аҳолимиз хонадонларининг 70 фоизда иссиқхона бор. Шу боис кредит олганларнинг аксарияти иссиқхоналар ташкил этишди.

«Аёллар дафтари»га киритилган бемор аёлларимизга доридармонлари учун 1 млн. сўмдан ёрдам берилди. Икки нафари қорамолли бўлишди. Тикувчилик, дўп-

пидўзлик, доирачилик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган 25 нафар хотин-қиз 5 млн. сўмдан имтиёзли кредит олишди. Шу тариқа улар ўзини ўзи банд қилиб, даромад топишмоқда.

Тадбиркорларимиз ҳам кўп. Яқинда бир тадбиркоримиз ёпиқ сув ҳавзасини, яна бири тамаддихона ташкил этиб, 40-50 нафардан ишсизларни ишли қилишди. Болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқа-

раётган трикотаж фабрикамизда эса 150 нафар хотин-қизимиз банд. «Ҳакаминвест» қурилиш корхонасида эса асосан ёшларимиз меҳнат қилишмоқда. Қувонарлиси, хайрли ишга бош қўшадиган ҳомий тадбиркорларимиз кўп. Уларнинг кўмаги билан 2 та кўчамиз асфальтланди. Сектор раҳбарининг кўмаги билан асосий йўлимизнинг 2 км. қисми асфальтланиб, кўча чироқлари ўрнатилди.

Маҳалламиз аҳолиси ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат яхши. Шу боис ҳал этилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Оқсоқолларимиз эса энг яқин кўмакчим.

Янгиликдан яна бири, яқинларимнинг кўмаги билан 4 хонали маҳалла идо-



Мухаббат ҚУРБОНОВА,
Андижон тумани «Оғуллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

расини қуриб битказдим. Илгари ижарада ўтирардик. Энди эса замонавий шароитларга эга бинода иш олиб боряпмиз.

Муаммо ҳам йўқ эмас. Ортиқча хат-ҳужжатлар кўп. «Маҳалла посбони» штатини беришса, янада яхши бўларди.

«ЯХШИЯМКИ, ТАЪЛИМ СИФАТИ ПАСТ ЭКАН...»

Куни кеча Президентимиз олий таълим сифатини ошириш юзасидан қатор янги ташаббусларни илгари сурди. Бу ҳақда деярли барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, таҳририятимиз ҳам етарлича материалларни эълон қилиб бормоқда.

Зеро, амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар жуда салмоқли. Кўзда тутилаётган тадбирлар талабаларга билим олиш учун эркин шароит, квоталарни ошириш, имтиҳонларни тўғри йўлга қўйиш, хусусий таълим даргоҳларини кўпайтириш ва рақобатни шакллантириш, замон талабларига мос ётоқхоналар билан таъминланганлик даражасини ошириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Албатта, юқоридагилар юртимизда олий таълим сифатининг жиддий ортишига сабаб бўлиши тайин. Бу жуда зарур чоралар. Бизга етук мутахассислар керак. Уларсиз иқтисодиёт, илму фан, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришнинг имкони йўқ. Ҳозирда биз яшаётган жамият, шароитлар аҳолининг умумий илмий ва маънавий даражасининг ойнаси, холос. Одамлар қанчалик илмли бўлишса, улар яшаётган муҳит ҳам шунга яраша

ўзгариб бораверади. Аммо бу борада бошқача ўйлайдиганлар ҳам топилади. Нима ҳам қилардик? Интилаётганимиз ривожланган, демократик янги Ўзбекистонда ҳар қандай холис фикр яшашга ҳақли.

Айримларнинг фикрича, олий таълим тизимига қанчалар эътибор қаратмайлик, қанча кўп пул тикмайлик, мамлакатда ҳақиқий билим, илмнинг қадрини етарли даражада оширмагунимизча ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Зеро, етишиб келаётган кадрлар дадаси, амакиси, тоғасига эмас, айнан билимигагина таяниб муваффақиятга эришишини тушуниб етиши керак. Ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, мансабга эришиш, юқори маош олиб, кўп пул топиш, самарали бизнес юритиш учун ҳам фақат ва фақат билим, меҳнат керак бўладиган жамият қуриш даркор. Бу соҳаларда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, коррупцион схемаларни буткул

тугатиш лозим. Ёшларга ўз билими, салоҳияти ва меҳнати билан вазир бўлган, ҳокимлик қилаётган, бизнес юритаётган, фан, дастурчилик, тиббиётда янгилик яратиш, катта пул топаётган, эл ардоғидаги тенгдошлари мисолларини тақдим қилайлик.

Акс ҳолда, биз етиштираётган етук мутахассисларни кутиб ўтирган хорижий компаниялар кўплаб топилади. Давлатимиз қанча пул, куч ва вақт сарфлаб тайёрлаган кадрлар чет элларга кетиб қолаверади. Ўйлаб кўринг, врачлар 7 йил ўқиб, узоғи билан 3 миллион сўмлик маошга ишлаши керакми? Албатта, йўқ. Уларнинг тил билгани, кўзга кўрингани, шубҳасиз, хорижга кетиб юборади. Зеро, у ерларда етук мутахассисга, умидли ёшларга 5-10 минг долларлаб ойлик бераман, деб кутиб турганлар кўп. Бизларга эса хорижий компанияларнинг синовидан



ўтолмаганлар ёки оилавий шароити йўл қўймаганларгина қолади, холос.

Яқинда журналистлар ўртасида сўров ўтказилди. «Чет элга кетиб юборишни истайсизми?» деган саволга ўнлаб журналистлар ва ҳатто яхшигина жойларнинг матбуот котиблари ҳам кимдир аноним тарзда, кимдир эса очиқчасига «Ҳа», «Бу менинг орзуим», «Қачондир барибир кетаман», деб жавоб беришди. Хоҳлаган олий таълим муассасасига бориб сўров ўтказинг, талабаларнинг 70 фоизи ўқишни битириб, чет элга кетиш ниятида. Бир дўстим «яхшиям бизда таълим сифати паст. Акс ҳолда

мутахассис қолмасди. Ҳаммасини олиб қўйишарди», деб айтганди. Биласизми, бир неча йил илгари трендга чиққан «суриш керак» лойиҳаси ҳам, аслида, мамлакатдан зарур кадрларни тортиб олиш учун ўйлаб топилган бўлса ажабланмайман.

Шу боис юртимизда ҳақиқий билим, илмнинг қадрини оширмас эканмиз, қанчалар етук кадрларни тайёрламайлик, уларни ушлаб қола олмаймиз. Олий таълим сифатини ошириш жараёнида масаланинг мазкур томонига ҳам эътибор қаратилса, яхши бўлар эди.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

ФИКР ВА ТАКЛИФ

Қўшиқчи ВА СПОРТЧИ ҲОКИМЛАР: ИМИЖМЕЙКЕРЛАРГА ТАСАННО!

Шу кунларда «Йигит кишига қирқ ҳунар оз» маталининг амалдаги ифодасига кўп гувоҳ бўляпмиз. Вилоят раҳбарларининг ўзига хос истеъдоди омма эътиборини тортмасдан қолмаяпти. Аввалига барча ҳокимлар спортнинг у ёки бу тури бўйича мастер класлар ташкил этишди, бир муддат ўтгач, ниҳоят бу анъана барҳам топди.

Энди яна янгилари чиқяпти: мана, масалан, Қашқадарё вилояти ҳокими мақом куйлади. Ҳоким дегани шундай бўлсин, мақом фестивалларига мезбонлик қиладиган вилоят раҳбари, албатта, санъатни севиши керак. Мақом куйлашни билиши, буни ёшларнинг олдида намён қилиши ўзига хос ёндашув. Бошқа бир ҳоким бўлса, югуриш мусобақасида саф олдида кўриниш берди. Яъни бугун вилоят ҳокимлари халққа яқинлашиш йўллари изламоқда, ўртадаги

субардинацияни йўқотишга ҳаракат қилишяпти. Ўйлашимизча, ҳамма гап ахборот хизматларининг асл вазифаси нима эканини тушуниб етаётганида. Улар вилоят ҳокими имижини яратиш айнан ахборот хизматининг вазифаси эканини англашди, ниҳоят.

Ўзи бугун ОАВда кўпчилик қилган, ташаббуслари доимий ёритиб борилганлар «энг яхши», дея эътироф этиляпти-да. ОАВдаги мақтовлар холис бўлса-ку, нур устига нур, қарши эмасмиз. Бироқ баъзида пиар

компанияларининг кучлигидан ҳаминқадар ишлаб юрган одам ақлига айланиб қоляпти, ёки контекстан юлиб олинган гапи билан бир зумда обрўсизланяпти. Шу боис имижмейкинг соҳаси доимий изланишни талаб қилади.

Қўшиқ айтибми, югуриб ёки каратэ тушибми омма эътиборини тортаётганларни муҳими халқ танияпти. Эришилаётгани яхши натижа, кераги ҳам шу, аслида.

Фикримизча, ҳокимлар зиммасидаги вазифалар ижросини ҳам шу зайл халққа таништи-

риш йўллари изланиши керак. Масалан, вилоят ҳокими ташаббуслари, худуддаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари, аҳоли билан мулоқотлар сингари. Бугун Президент матбуот хизмати ҳам айна шу халқчил усулда ахборот узатиш форматига ўтган.

Назаримизда, худди шу сингари ҳар бир вилоят ахборот хизматининг вилоят имижини ошириш бўйича ўз лойиҳалари бўлиши лозим. Ахир улар бирон танқидий мақола чиқсагина муносабат билдириш ёки у бўлди, бу бўлди қабилида

ахборотлар узатиш учун тузилмаган-ку? Ҳоким имижини яратиш билан бошланган ишлар вилоят имижини бўйича лойиҳаларда давом этса, ахборот майдонида ўзаро рақобат ҳам юзага келади. Ахборот хизматлари тонгни бугун вилоятимиз ҳақида қайси ОАВ қандай нарса берди, саволига жавоб излаб бошламайди. Аксинча, бошқа ҳамкасби ишини кузатиш, камчиликларидан хулоса қилиш, тажриба алмашишга энергия сарфлайди.

РИСОЛАТ.

Рости, бу мавзуда ёзишга ўзим ҳам кўп ўйландим. Чунки маънавиятимизда уятли мавзуларда сўз юритиш йўқ. Лекин шундай ҳолатлар борки, мен айтмасам, сиз айтмасангиз, бу янада урчиб бораверади...

УЯТ ДЕБ БИЛСАНГИЗ,

БУ МАҚОЛАНИ ЎҚИМАНГ!

Хуллас, ҳар куни шаҳарларни боғловчи катта йўллар ёқасида тескари қараб ҳожатини чиқараётган одамларга, албатта, кўзимиз тушади. Аввал бундай ҳолат фақат узок йўлларда кузатиларди, ҳозир йирик шаҳарларда, ҳатто пойтахтда ҳам «йўл четига ўтиш» одат тусига кирмоқда. Хўш, нима учун? **Бу маданиятсизликдан даракми ёки илложсизликдан?**

Танганинг икки томони бўлади. Келинг, дастлаб унинг биринчи томонига назар ташлайлик. Айтишларича, японлар уй қурилишини, аввало, унинг ҳожатхонасидан бошлар экан. Бизда эса, очигини айтганда, яқин-яқингача ҳожатхоналарга деярли охириги даражадаги қурилиш объекти сифатида қараб келинди. Бу, айниқса, яқин тартибдаги ҳовлида уй (аксарият қишлоқларда), оммавий ҳожатхоналар қурилишида — бозорларда, йўлларда ва бошқа шу каби жойларда кўп кузатилади. Уларга жой танлаш ва лойиҳалаш-

тиришда ҳам хатоларга йўл қўйилади.

Бир вақтлар шундай вазиятлар ҳам бўлган-дими, хизмат сафари билан келаётган яқин ёки бир гуруҳ меҳмонларга шароит яратишда айни ҳожатхона муаммоси оғриқли масалага ва бу борада уялиб қолмаслик энг катта хавотирга айланар эди. Тўғри, бу муаммолар аста-секин барҳам топмоқда. Туристлик зоналарда, гавжум шаҳарларда тоза-озода жамоат ҳожатхоналари қурилаётгани, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида уларнинг бўлиши мажбурий қилиб қўйилгани шулар жумласидан.

Лекин барибир ечимини қутаётган масалалар кам эмас. Йўллар четларига ҳожатхоналар қуриш масаласи бир неча марта кўтарилди ва яна ўшанча марта унутилди. Бугун ҳатто пойтахтнинг гавжум жойларида ҳам уларни топиш амримаҳол. Топганимиз ҳам кўнгиладигдек эмас. Бутун дунё фойдаланаётган биоҳожатхоналар, кўчадаги кўчма кабиналар ҳам



биз учун бегоналигича қолмоқда. Мисол учун, *пойтахтдаги «Ойбек» метросидан Шаҳрисабз кўчаси бўйлаб Мустақиллик майдонига қадар юринг. Кўчалар гавжум, обод, катта-катта бинолар бисёр, аммо ўша кичкинаси йўқ. Ёки Бунёдкор кўчаси бўйлаб «Чилонзор» метросидан «Новза метроси»-га қадар 3 километрга яқин масофада бирор-та ҳожатхона учратмайсиз. Гўёки бундай маскан шаҳар қиёфасини бузадигандек. Бу ҳали пойтахтдаги аҳвол, вилоятлардаги вазиятни тасаввур қилиш мушкул эмас.*

Нима қилиш керак?

Пулли бўлса-да, ҳожатхоналарни кўпайтириш зарур. Чунки текин бўлган жойда тараққиёт секин бўлади. Ҳожатхоналарнинг озодалиги, гигиеник жиҳатдан тозаллиги учун махсус фонд ажратмалари бўлиши, тадбиркорлик субъектларига бундай фаолият учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мавжуд ҳожатхоналарда ногиронлиги бор инсон-

лар учун махсус ҳожат ўриндиқлари мавжуд эмас. Ҳолбуки, аллақачон ҳаракат-таянч аъзолари бўйича ёки бошқа жисмоний имконияти чекланганлар учун алоҳида ҳожат «кресло»лари яратилган. Бу жиҳат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Энди танганинг иккинчи томонига — ҳожатхоналардан фойдаланиш маданиятига тўхталсак.

Бу муаммо яхлит қаралганда қарсик қўлдан чиқаётгани яққол кўзга ташланади. Бизда жамоат ҳожатхоналари йўқ ҳисоби, бироқ борларидан ҳам лозим даражада фойдалана олмаймиз. Жамоат ҳожатхоналарининг кириш эшигидан тортиб, энг ички хонасигача турли-туман огоҳлантирувчи ёзувлар илиб ташланган бўлса-да, ҳар доим ҳам тозаллик, озодаликка риоя қилмаймиз. Аслида эса, маданият — маданиятсизлик кўринмайдиган, билинмайдиган жойда намоён бўлсагина ҳақиқий маданият эканини унутмайлик.

Иброҳим Пўлатов.



БУ — ҚИЗИҚ...

Уч маслаҳат



Бундан бир неча йиллар олдин BBC сайтида Ўзбекистонга саёҳат қил-

ган исроиллик туристнинг мақоласи эълон қилинади. Унда саёҳатчи Ўзбекистонга сафари таассуротларини баён қилар экан, бу ерга келишни хоҳловчи туристларга юртимиз ҳақида учта муҳим (бири ижобий, бири нейтрал, бири салбий) тавсияни беради:

Ўзбекистонга ёз-куз мавсумида боринг. Ўзбек қовунларидан кўрқмасдан тўйгунингизча энг. Дунёнинг ҳеч бир ерида бунақа мазали қовунни топа олмайсиз.

Ўзингиз билан, албатта, каттароқ қармон олинг. Алмашираётган ўзбек сўмларингиз сизнинг чўнтак ҳаменингизга сиғмайди.

Ўзбекистонда ҳеч қачон кўчадаги жамоат ҳожатхоналарига кирманг. Яхшиси, ҳожатингизни меҳмонхонада битириб олинг. Дунёдаги энг ёмон ҳожатхоналар — Ўзбекистондадир.

БИЛАСИЗМИ ?

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи бўлса...

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни куйидаги муддатларда ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт:

— меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда — камида 2 ой олдин;

— меҳнат шартномаси ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда бекор қилинганда — камида 2 ой олдин;

— меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига қўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда — камида 2 ҳафта олдин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАРГА ТАЪМИНОТСИЗ МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ?

— Касб-ҳунар ва тадбиркорлик курсларини тугатганларга таъминотсиз микрокредит ажратилиши ростми?

Умида СОЛИЕВА.
Сурхондарё вилояти.

Зафар РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Давлатимиз раҳбарининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига қўра, нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга

ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача микрокредитлар таъминотсиз ажратилади.

Микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга эса учинчи шахс кафилиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига

сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, асосида 225 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилади. Бунда микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида берилади.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» МАКТАБЛАРИГА ЭЪТИБОР КАМАЙГАНМИ?

Маълумки, 2011 йилда «Баркамол авлод» марказлари ташкил қилиниб, ундаги тўғаракларга 6 ёшдан 18 ёшга-ча бўлган болалар жалб қилинган. 2019 йилга келиб эса ушбу марказлар мактабга айлантирилди.

Бугунги кунда юртимизда жами 215 та «Баркамол авлод» болалар мактаблари бўлиб, уларга 174 минг нафар ўқувчи жалб қилинган. Халқ таълими вазирлиги томонидан 65 номдаги тўғараклар рўйхати тасдиқланган бўлиб, ҳозирда 58 номдаги тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Бироқ кейинги пайтларда бундай болалар мактабларига эътибор сусайгандек.

Муаммо нимада?

Маълумки, олий ўқув юртиларига ҳужжат топширганларнинг ҳаммаси ҳам талаба бўлиш бахтига мушарраф бўла олмайди. Уларнинг бандлигини таъминлаш эса ўта муҳим. Кўпчилигининг мактабдаги билимларидан бошқа таянадиган қобилияти, қўлида ҳунари йўқ. Бунинг учун «Баркамол авлод» болалар мактабларидаги турли хил тўғараклар ташкил этилган бўлса-да, аксариятининг иш фаолиятдан қониқмаганлар пулли курсларини маъқул кўришади. Чунки хусусий ўқув курсларининг самардорлиги яққол акс этиб турибди.

Мазкур мактаб-

ларда мутахассислар ёки моддий-техник базанинг етишмаслиги турли муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётир. Шунингдек, бугунги кунда уларда 7 минг 173 нафар педагог фаолият олиб бораётган бўлиб, шундан 26 фоизигина олий маълумотли мутахассис ҳисобланади. Сабаби, маоши паст жойга ҳеч ким келиб ишлашни хоҳламайди. Айниқса, чекка ҳудудларда мутахассислар етишмаслиги туфайли айрим тўғаракларга талаб бўлса-да, уни юритиш имкони бўлмаяпти. Қолаверса, тўғаракларга тўланган «взнос» пулларини мактаб маъмурияти тўғридан-тўғри ишлата олмайди. Мактаб учун сотиб олинган ҳар бир асбоб-ускуна ёки маҳсулот турли қоғозбозликлардан сўнг олиниши ҳам ишнинг орқага кетишига сабаб бўлаётир.

Нима қилиш керак? Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, замонавий компьютер технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, янги инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш зарур.



Мисол учун, ўтган йили 14 та ҳудудий «Баркамол авлод» болалар мактабларида STEAM (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — муҳандислик, Art — санъат, Mathematics — математика) таълими хоналари фаолияти йўлга қўйилди. Унга асосан, барча қулайликларга эга компьютер технологиялари, робототехника жиҳозлари ва асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Ҳозирда ушбу STEAM тўғаракларига 640 нафар ўқувчи жалб қилинган. Бундай хоналарни барча ҳудудларда жорий этишга эҳтиёж бор.

Қолаверса, ҳар бир туманда бит-

тадан умумтаълим мактабларида мазкур муассасанинг тўғараклари фаолияти йўлга қўйилса, ўқувчилар ўз қизиқишлари асосида уларга қатнашган бўларди. Баъзида айнан шу тўғараклар орқали келажак олимларини тарбиялаш мумкин. Мисол учун, ўтган йили «YRC-2020» халқаро робототехника мусобақасида «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғарак аъзолари «Чикиндиларни саралаш» инженерлик лойиҳаси билан иштирок этиб, энг юксак унвон — олтин медални қўлга киритган эди.

Шунингдек, 2020-2023 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари

ва Тошкент шаҳрида тизимли равишда болалар туризмининг ривожлантириш мақсадида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ҳузурида 100-200 ўринли болалар сайёҳлик базалари ташкил этилиши белгиланган. Мана шу тизим йўлга қўйилса, кўплаб ёшларнинг тил ўрганиши ва тарихимизни яхши ўзлаштириши учун имконият яратилган бўларди. Агар имкониятлар тўғри йўлга қўйилса, инжандорли ёшларимиз орқали яхши натижаларга эришиш мумкин. Демак, мактабга эътибор қаратиш қанчалик муҳим эканини соҳа мутасаддилари ҳис этиши зарур.

Нилуфар ЮНУСОВА.

СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ «ЖЭК» ИШИНИ ҲАМ ҚИЛИШГА МАЖБУР БЎЛМОҚДА»

Маҳалламиз 21 та кўп қаватли уйлاردан иборат. Шу боис ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Лекин тадбиркорлар кўп. Улар, асосан, савдосотиқ ишлари билан шуғулланишади.

Яқинда саховатпеша ҳомийларимиз кўмагида асосий йўлларимизнинг атрофи асфальтланиб, турли хил манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар экилди. Қувонарлиси, ҳудудимизда 3 та янги болалар майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу болажонларга ёзги таътил учун ўзига хос совға бўлди.

«Темир дафтар»га киритилган 81 нафар аҳолидан 80 нафари рўйхатдан чиқарилди.



Моҳидилхон МАНСУРХЎЖАЕВА,
Андижон шаҳри «Машъал» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

«Аёллар дафтари»даги 31 нафар аёл, «Ёшлар дафтари»даги 10 нафар ёшлар ҳам ишли бўлди. Иккитаси

чеварчилик бўйича, биттасига савдо бўйича кредит олишди.

Неча йилдан буён ижарада фаолият

юритамиз. Энди ўз маҳалла идорамиз ҳам бўлади. Гап шундаки, тадбиркор томонидан қурилаётган 4 қаватли турар жой биносининг биринчи қаватидан 5 хона айнан биз учун ажратилди. Насиб, сентябрь ойидан янги биномизда иш бошлаймиз.

Муаммо: ўтган йили ҳудудимиздаги 3 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати банкдан кредит олиб, барча кўп қаватли уйлarning том, ертўла,

фасад қисмларини кўп қаватли уйлари олдини таъмирлашган эди. Бироқ аҳолидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмагач, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари 3 ойдан буён олий биттаси ишламаслигини айтиб, муҳрини топшириб кетди. Энди уларнинг ишини ҳам маҳалла ходимлари қилишга мажбур бўлмоқда. Шу масалада амалий ёрдам беришса яхши бўларди.

МАҲАЛЛА РАИСИ НОҲАҚ ИШДАН БЎШАТИЛДИМИ?

«Mahalla» газетасининг шу йил 12 июнь (24-сонида) «Ҳокимлик аризонгани ёз, деб босим қияпти» сарлавҳали мақола чоп этилгандан сўнг Оқолтин туманидаги «Кўркамдиёр» маҳалласи раиси Холмирова Жабборов ишдан бўшатирилган ҳақида маълумот тарқалди.

Биз ваъда қилганимиздек, вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида «Кўркамдиёр» маҳалласига бориб, аҳоли билан учрашдик. Фуқароларга мақсадимизни тушунтирганимизда негадир бизни ишончсизлик билан қарши олишди. Кейин билсак, биздан аввал ҳам уларнинг муаммосини ўнлаб мутахассислар, депутат, журналист ва блогерлар ўрганиб кетган. Аммо натижа бўлмаган. Одамлардаги ишончсизлик сабаби шунда экан.

Маҳалла фуқаролари оғир шароитда яшаётганига гувоҳ бўлдик. Йиғиннинг 2-кичик тумани Интилиш кўчасида жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчилар аҳолига раҳмингиз келади. Ободонлаштириш бўйича ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Кўп қаватли уйлар атрофи ўт босиб, чиқиндиҳонага айланган кетган. Том қисми таъмири охирига етказилмаган. Имкони борлар ўзи қайтадан таъмирляпти. Имконсизлар ёмғирли кунда сув остида кун кечиряпти. Энг даҳшатлиси, бу уйларнинг барчасида канализация тармоғи ишламайди. Ифлос сувлар тўғри ертў-

лага тушиб, чиқинди кўл ҳосил қилган. Ундан таралаётган қўланса ҳидга инсон чидаб яшаётганига ҳайрон қоласиз.

Шу хонадонларнинг бирида яшовчи **Комила Нодированинг айтишича**, Зомин суви, деб тортилган ичимлик суви ҳам аслида шўр ва ичишга яроқсиз. Жўмракдан турли қурт-қумурсқалар оқиб ётади.

— *Бизни алдашди, — дейди К.Нодирова.* — *Текширувчи келиб-кетаверади, аммо ўзгариш бўлмайди. Маҳалла раисимиз ҳам ҳолимиздан хабар олмайди. Уйма-уй юриб, аҳолимизни ўрганмайди. Президентимизнинг қарор ва фармонлари ижроси бизгача етиб келмайди. Ҳеч ким ҳолинг не, деб сўрамайди. Яна қилинмаган иш учун пул сўрашгани ортиқча. Ўзингиз айтингчи, шу шароитга ким пул беради? Аввал шароитимизни яхшилаб қўйишсин, кейин пул сўрашсин. Шу камчиликлар тўғрилисанса, албатта, тўловларни берамиз.*

Ҳолатни таҳлил қилиб, англадикки, маҳаллада халқ билан ҳокимият ўртасида боғлиқлик йўқолган. Аҳоли ҳукумат

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



олиб бораётган ислохотлардан умуман беҳабар. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» каби ташаббуслар бу маҳаллага етиб келмаган, гўё. Одамлар ўзини қайси дафтарда эканини ҳам билмайди.

Туман ҳокимлиги мутасаддилари бу ишларда асосан, маҳалла раисини айблашмоқда. Ислохотларнинг жойларга етиб бормаётганига Х.Жабборов сабабчи экани таъкидланмоқда. Маҳалла раиси эса ҳокимиятга

рочилар пул йўқлигини рўқач қилмоқда.

Қизиқ, агар бу ҳудуд «Обод маҳалла» дастури асосида ободонлаштирилган бўлса, нега қурилишга банк кредити олинган. Дастур режаси кредит ҳисобидан бажарилган бўлса, ажратилган маблағ қаерда?

Туман ҳокими Дилмурод Фозилов вазиятга изоҳ бериб, тез кунда муаммони бартараф этишга ваъда берди. Айниқса, кўп қаватли уйларнинг канализация тармоғига улаш бўйича барча кучлар сафарбар этилишини таъкидлади. Чиндан ҳам, бу ишни кечиктириб бўлмайди. Одамлар ўз чиқиндиси устида яшамоқда.

Ҳокимнинг бир эътирози ўринли назаримизда. Ҳар бир маҳалла раиси ислохотчи бўлиши керак. Афсуски, «Кўркамдиёр» маҳалла раисидан айнан мана шу жиҳатлар етишмаслиги сезилди.

Сафаримиз давомида маҳалла фуқаролари, йиғин раиси ҳамда туман мутасаддилари яқин кунларда маҳалла раиси лавозими учун очиқ сайлов ўтказишга келишиб олишди. Бу сайловда амалдаги раис Х.Жабборов билан бирга, яна бир нечта номзодлар ҳам иштирок этадиган бўлди.

Биз қилинган ишларни ўрганиш мақсадида яна бир бор мавзуга қайтамиз.

**Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.
Тошкент-Сирдарё-
Тошкент.**

МУАММО ВА ТАКЛИФ

«КўП БОРА АЙТСАК ҲАМ, ЭЪТИБОРГА ОЛИНМАЯПТИ»

Маҳалла раиси сифатида 2019 йилдан иш бошладим. Дастлабки кунда ноқ, йиғин фаолияти билан танишдим. Муаммоларни таснифлаб чиқдим. Аҳолини қийнаётган асосий камчиликлар ижтимоий масалалар — газ, ичимлик сув, йўлларни таъмирлаш экани аниқланди. Яна бир катта муаммо — ишончсизлик эди.

Режамни мана шу таҳлилдан келиб чиқиб туздим. Туман ҳокимига, сектор раҳбарига мурожаат билан чиқдим. Айни пайт натижа биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. 11 км. аҳоли яшаш хонадонларига ичимлик сув тармоғи тортилди. Табиий газ тармоғи ҳам 2 босқичда тортиляпти. Янги хонадонлар электр энергияси билан таъминланди.

Муаммо: маҳалла фуқаролар йиғини биноси йўқ. Яқингача эски масжид биносида ишлагандик. Ҳозирда бир тадбиркорнинг дўкониде фаолият олиб бораёямиз. Қувонарлиси, туман ҳокимлиги ташаббуси ва кўмаги билан айни пайт янги биноимиз қурилиши

бошланди. Қурилиш маблағини ҳокимият таъминлаб беряпти, қолганини ҳашар йўли билан қилияпмиз. Аммо қурилишимиз айрим сабабларга кўра секин кетяпти.

Бизни қийнаб келаётган **яна бир муаммо** ҳужжатлар билан ишлаш. Кўп бора айтган бўлсак-да, эътиборга олинмаяпти. Маҳаллага шу ишлар учун қўшимча штат жуда зарур.

Таклиф: аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалламизда касбга ўқитиш курси ташкил этиш керак. Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари бор, аммо тизим яхши шаклланмаган. Шу жараёни янада такомиллаштириш лозим.



**Ҳамробой
ХЎЖАҚУЛОВ,
Сирдарё
туманидаги
«Зиёкор»
маҳалласи раиси**

Бу масалада алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиб, тақдим этганман. Бунда маҳаллий тадбиркорлар билан бирга ишлаяпмиз. Шу ўқув курсларини тамомлаган ёшлар иш билан ҳам таъминланади.

Сенаторлар авиачипталар нархининг қимматлиги бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитасига сўров юборгани ҳақида хабар берилганди. Сенатор сўровига асосан, қўмита томонидан «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг авиачипталар ва авиаташиш хизматлари ҳолати ўрганилди.

МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР

ҚАЧОНГАЧА УСТИМИЗДАН КУЛАДИ?

Ёхуд «Uzbekistan Airways» авиачипталари 148 фоизгача қиммат. Нега?

Ўрганиш натижаларига кўра, авиакасаларда «Uzbekistan Airways» АЖ томонидан маҳаллий ва халқаро йўналишларда мавжуд барча тарифлар ҳақидаги маълумотлар истеъмолчиларга тўлиқ етказилмаган. Шунингдек, компания томонидан «Тошкент — Москва» бир томонлама йўналишда чипталар «багажсиз эконом» синфида 131 евродан 211 еврогача, «эконом» синфида 145 евродан 335 еврогача, «бизнес» синфида 642 евродан 862 еврогача этиб белгиланган бўлса-да, авиаккомпания томонидан арзон нархлардаги авиачипталар сотувга чиқарилмаган.

Бундан ташқари, ўрганишлар давомида маҳаллий йўналишлар учун белгиланган нархлар бошқа давлатлардаги нархлардан қимматлиги, хусусан, ўртадаги фарқ 36 фоиздан 148 фоизгача юқори экани маълум бўлди. Мисол учун, «Тошкент — Урганч» (учиш вақти 1 соат 15 минут) йўналиш бўйича «багажсиз эконом» синфидаги чипта нархи ўртача 41 евро этиб белгиланган. Худди шу хизмат Россия Федерациясида («Санкт-Петербург —



Москва» йўналиши 1 соат 30 минут) ўртача 27 еврога ташкил этади. Бундан кўриш мумкинки, бизда белгиланган нарх 56 фоизга қиммат. «Uzbekistan Airways» АЖнинг ушбу йўналиш бўйича «Эконом» синфидаги авиачипта нархи Қозғистон Республикасидаги авиаккомпаниядаги нархлардан 40 фоизга, Туркиядаги авиаккомпания нархларидан эса 146 фоизга қиммат экани аниқланди. Шунингдек, Туркия давлатидаги ички йўналишлари бўйича «эконом» синфидаги тарифлар Ўзбекистонда қўлланилаётган ички «багажсиз эконом» тарифларидан ўртача 42 фоизга арзон экани аниқланди.

Бу каби авиаташиш хизматлари бозорида қиммат нархларни ушлаб туриш сабабларидан бири — **рақобат муҳитининг**

ривожланмаганидир. Чунки авиаккомпаниялар сони қанчалик кам бўлса, истеъмолчиларга билдириладиган таклифлар кўламаи камайиб, истеъмолчиларда авиачипталарга бўлган талаб (эҳтиёж) ортади. Табиийки, бунинг натижасида эркин рақобат муҳити бузилади. Бу эса бозор иқтисодиётидаги талаб ва таклиф қонуниятига мос келмайди. Мисол сифатида, «Тошкент — Олмаота» йўналиши бўйича ҳафтасига 7 марта мунтазам рейслар мавжудлигига қарамай, фақат 2 та авиаташувчи («Uzbekistan Airways» ва «Air Astana»), «Тошкент — Москва» йўналишида ҳам 2 та авиаккомпания («Uzbekistan Airways» ва «Аэрофлот») тўғридан-тўғри парвозларни амалга оширади.

Шунингдек, мазкур йўналишларда рақобатнинг ривожланмагани, авиаташувчи компания-

лар ўртасида келишиб қилинадиган ҳаракатларни содир этишга замин яратади. Оқибатда масъуллар нарх белгилашда фуқаролар тушиб қолган танловсиз, мураккаб вазиятдан инсофсизларча фойдаланмоқда.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси юқоридаги муаммоларни бартараф этиш ва келгусида фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Транспорт вазирлигига бир қатор таклифлар юборди. Билдирилган таклифларнинг ижро этилиши Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси томонидан назоратга олинди.

Қутбитдин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Тахририятдан. Рақобат бўлмаган жойда ривожланиш бўлмайди. Бироқ бу оддий ҳақиқатни айрим «миллий» компанияларимиз тан олгиси келмаяпти. Йўқса, шунча гап айтилса-да, ҳануз одамлар авиачипталарни юқори нархларда сотиб олишга мажбур бўлаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Алам қиладигани, хизмат кўрсатиш даражаси, қулайлик, «барчаси мижоз учун» деган тамойиллар талаб жавоб бермаса-да, нархлар дунёдаги ўртача миқдордан қарийб 150 бараварга қиммат. **Энг қизиғи, монополистнинг тийиқсиз нарх сиёсатини негандир ҳукумат гарчи аралашини лозим бўлса-да, кўрмаганга олмоқда.**

Нима қилиш керак? Энг аввало, хоҳ у ички авиаккомпаниялар ташкил этиш, хоҳ у халқаро компанияларни жалб этиш ҳисобига бўлсин, рақобат муҳити керак. Қачонки авиаккомпаниялар мижозни эмас, одамлар уларни танлашни бошлар экан, шундагина ўсиш, меъёрий нарх, рози-ризалик бўлиши мумкин.

Аслида, корхоналарни либераллаштириш улар учун ҳақиқий синов майдони бўлади. Агар уларни профессионал мутахассислар бошқараётган бўлса, ташқи рақобат таъсирида у янада ривожланади. Мабодо акси бўлса ҳам ташқи рақобатдан яхшигина сабоқ олади. Ўз навбатида, бу билан қачонлардир фахрланишга арзиган компаниямизнинг ҳақиқий ўрни қаерда эканини билиб оламиз.

Энг муҳими, рақобат муҳити истеъмолчиларга танлаш имкониятини беради ва улар ҳамёнбоп нархларда маҳсулот ва хизматларни сотиб олади. Мисол учун, ҳозир ўзбек истеъмолчисининг авиаккомпания танлаш имконияти деярли йўқ. Бу ҳолатда бир жойда турғун қотиб қолган, истеъмолчи манфаатларини охирги ўринга қўйган, фақат ўзини ўйлаган корхоналар жонланишга, сифат учун, мижоз учун курашишга мажбур бўлади. Бошқа йўл ҳам бўлмайди: **ё курашиш керак, ё оқ байроқ кўтариб, мағлубиятни мардларча тан олиш лозим.** Унутмаслик керакки, **бозор иқтисодиёти доимо рақобатни талаб қилади.** Бизда эса рақобат танқислиги бугун деярли барча муаммолар илдири бўлиб келмоқда.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ШАМОЛ БЎЛИШИДАН ҚЎРҚИБ ТУРАМИЗ»

Маҳалламиз ҳудудида 3 та қишлоқ жойлашган бўлиб, 13 йилдан бери маҳалла раиси бўлиб ишлайман. Каттаю кичикни танийман. Кимнинг қандай муаммоси бор, ким қандай яшаяпти, барчасидан хабардорман.

Шу боис нимадан-дир келишмовчилик бўлдими, боришим билан муроса қилишга ўтишади. Аҳоли, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. 18 та фермер хўжалиги бор. Ҳозирда ғалла ўрими-ни кутиб турибмиз. Ер сўраб келганларга 20 сотихдан экин экиши

учун ажратиб бермоқчимиз.

Муаммо бор. Янги ташкил этилган гузаримизга трансформатор ва симёғочлар керак. Қишлоқ врачлик пунктининг йўқлиги аҳолини қийнаб қўйган. Маҳалланинг ўз идораси йўқ. Ижарада турамыз. Янги бино қуришни режалаштирган-

миз. 60 йилларда катта кучланишли электр энергияси ўтказилган бўлиб, унинг остида 20 та хонадон бор. Мана шу токни бошқа ерга кўчириш борасида бир неча маротаба мурожаат қилдик. Бу ҳудуд жуда хавфли. Айниқса, шамол бўлса, шу ерда яшовчи хонадон эгалари симларни узулиб

кетишидан қўрқиб туришади. Аммо фалокат юз бермайди, дея ҳеч ким кафолат беролмайди. Мутасаддилар шу муаммомизни тезроқ ҳал қилиб беришса, яхши бўларди.

Таклиф. Маҳалла раисига юклатилган вазифалар кўп. Шу боис раисларнинг маошини кўтариш керак.

Агар ойлигимиз кўтарилса, 12 соат эмас, 24 соат ҳам меҳнат қилаверардик. Бу таклифим бошқа раисларга ҳам маъқул келади, деган фикрдаман.

Қобил НОРБОЕВ,
Тайлоқ туманидаги «Адас» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Кўкларнинг қурғоқчил келгани чорва учун ем-хашак танқислигини келтириб чиқарди. Бу бозорларда гўшт, сут маҳсулотлари камайиши ва қимматлашишига олиб келиши мумкин. Натижада аҳолининг гўшт истеъмол қилиш қуввати пасаяди.

ПАРРАНДАЧИЛИК

СОҲАСИНИНГ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Хўш, бунинг олдини олиш, гўшт етиштиришни арзонлаштириш учун нима қилиш керак? Қассобларга «гўштни арзон нархда сот», деб топшириқ бериш орқали масалани ҳал қилиб бўлмаслиги тажрибадан аён.

Албатта, чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш учун керакли чоралар қўлланилади. Лекин бунинг ўзи етарли бўлмайди. Чунки чорва учун жуда кўп яйловлар, ем-хашак етиштириладиган экин майдонлари керак. Бизнинг шароитимиздан келиб чиққанда, барибир гўштни арзонлаштириш қийин иш.

Маълум бўлишича, энг тез етиштириш имконияти мавжуд маҳсулот парранда гўшти ҳисобланади. 1 килограмм вазн олиши учун паррандага 1,7 килограмм, қорамол-



га эса 8 килограмм озуқа-ем талаб этилади. Аҳоли ўртасида паррандачилик билан шуғулланишни давлат томонидан рағбатлантирилиши ҳам бежиз эмас. Бу орқали гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж қондирилади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва хизматларни ривожлан-

тириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини кўпайтириш бўйича вазифалар ижросига оид видеоселектор йиғилишида паррандачилик лойиҳаларини амалга оширишга 100 миллион доллар ажратилишини маълум қилгани мазкур

соҳага эътибор яна бир поғона юқорилашини англатади.

Президентимиз таъкидладигани, «Парранда саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар жорий этилади. 1 июлдан берилиши керак бўлган субсидия миқдори тухум учун 3 баравар (ҳар бир сотилган тухумга 150 сўм),

парранда гўшти учун эса 2 баравар (ҳар бир килограммига 1,5 минг сўм) оширилиб, тўловлар 1 июндан бошланади, ҳисоб-китоб қилинади. Омухта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга айланма маблағни тўлдириш ва паррандачилик лойиҳалари учун кредитларнинг Марказий банк асосий ставкасидан юқори қисми қоплаб берилади».

Шунингдек, паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплекс лойиҳалари бўйича харажатларнинг бир қисми компенсация қилинади. Қолаверса, паррандачилик корхоналари учун фойда, мол-мулк, ер ва сув солиқлари ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Паррандачиликка шу даражада кенг им-

тиёзлар берилаётган экан, маҳсулот ишлаб чиқаришда фақат сонга қараб интилмасдан, сифатига ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Демокчимизки, паррандаларни сунъий семиртириш мақсадида гормон дорилар билан эмлашни бир меъёрга солиш зарур. Биламизки, фойда кетидан қувиш натижасида парранда гўштининг мазаси ва организм учун фойдали бўлиши иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Албатта, бу истеъмолчиларнинг манфаатига зарар етказилади. Шундай экан, савдога чиқарилаётган парранда гўштарининг сифатини назорат қилиш бўйича мукамал бир тизим йўлга қўйилиши зарур.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ҚУЛАЙЛИК

ҲАЙДОВЧИЛАРНИ ҚИЙНАЙДИГАН ЗАМОНЛАР ЎТИБ КЕТДИ...

Яқинда «Euler Hermes» халқаро суғурта ташкилоти томонидан рақамлаштириш бўйича дунё давлатларининг 2020 йил рейтинг эълон қилинди. Рейтинг билан танишиб, етакчи давлатларни қўя турайлик, қўшни мамлакатлар — Қозоғистон ва Қирғизистон ҳам рақамлаштириш борасида биздан анча илгарилаб кетганига амин бўлдим.

Бу борада мамлакатимиздаги аҳвол ҳаммамизга маълум. Ваҳоланки, бир неча йиллардан буён рақамлаштириш мавзусида тўхтовсиз гапириб келинаётган бўлса-да, сезиларли ўзгаришлар кузатилмаяпти.

Очиғини айтиш керак, кўп соҳаларда рақамлаштиришнинг афзаллиги, самардорлигидан аҳоли беҳабарлиги учун бу борадаги дастур ва лойиҳаларга шубҳа билан қараш, уларни жорий этишдан мақсад бюджетга қўшимча маблағ ундириш, деган тушунчалар мавжуд. Хусусан, жорий йил 19 майдан бошлаб «ID карта»лари мавжуд бўлган ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома ва

суғурта полисларини «ID карта» ёрдамида текшириш амалиёти Тошкент шаҳрида синов тариқасида жорий этилганига турли муносабатлар билдирилди. Бу каби нотўғри тасаввурлар рақамлаштиришнинг афзаллиги ва қулайликларини одамлар ўз ҳаётлари мисолида ҳис этсалар, йўққа чиқади.

Жумладан, ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан «e-Protokol» ахборот тизими такомиллаштирилиши натижасида ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи билан боғлиқ ҳужжатларни ёнида олиб юриш талаб этилмайди ва бу учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди. Ушбу тартибга кўра, ҳайдовчининг



ёнида ID-қартаси бўлса kifоя. ИПХ ходими ҳайдовчининг ID-қартаси орқали ўз планшетида фойдаланган ҳолда, фуқарода ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситаларини бошқариш учун берилган ёки олган ишончномалари, суғурта полислари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаб олади.

Ҳукуматнинг бу хусусидаги тегишли қароридан мазкур амалиётни жорий йилнинг 1 сентябридан мамлакатимизнинг барча ҳудудида жорий этиш белгиланган. Бу билан ID-қартасига эга бўлган барча ҳайдовчиларга қулайликлар яратилади. Бизнингча, давлат хизматларидан фойдаланиш ва бошқа муносабат-

ларда барча соҳаларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш лозим. Сабаби, шаффофликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш, беҳуда сарф-харажатларга, ортиқча қоғозбозликларга чек қўйишнинг ягона йўли рақамлаштиришдир.

Дилшод ИСЛОМОВ.



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ахборот хизматининг маълум қилишича, сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қондаларига риоя этилиши устидан ўтказилган назорат тадбирларида 7755 та қонун ва тартиб бузилиши ҳолати аниқланган.

ҚАЧОНГАЧА КАМЧИЛИКЛАРНИ У ЁКИ БУ ИНСПЕКЦИЯ АНИҚЛАЙДИ?

Ана холос, битта соҳада шунча доирадан чиқишлар. Хўш, уларнинг натижасида нималар содир бўлди?
Маълум бўлишича, 197 гектар қишлоқ хўжалиги экин майдони кўлланиб юборилган, 1155 та ҳолатда сувлар коллектор-дренаж тармоқларига фойдаланилмасдан ташлаб қўйилган, 1100 та ҳолатда рухсат этилмаган жойлардан шартнома тузмасдан 13465 минг метр куб сувлар эгаллаб олинган.

Инспекция томонидан юқоридаги қонунбузилиши ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, тегишли ташкилот ва корхоналарнинг масъул мансабдор шахсларига огоҳлантириш, ёзма кўрсатма ва тақдимномалар киритилди.
Хўш, кейин-чи? Ахир аллақачон бўладиган иш бўлиб бўлган-ку! Зиён, йўқотишлар ўрнини бу огоҳлантиришу тақдимномалар билан қоплаш мумкинми? Нега у ёки

бу соҳадаги муаммони, албатта, бирон назоратчи, текширув комиссияси ёки юқори турувчи орган аниқлаб бериши керак?
Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шунингдек, сув хўжалигининг 714 та иншооти ва 233 та қурилмалари носозлиги аниқланиб, мазкур камчиликлар Инспекция томонидан тўлиқ бартараф этилган.
Ихтисосликдаги ташкилотларнинг ўзи нима қиляпти? Уларга ҳақ белгиланган меъёрларни бузган

ни, хатоликларга йўл қўйгани учун тўланяптими? Бизда негадир ўз-ўзини назорат қилиш тизими амалда ҳаракатда эмас. Ваҳоланки, соҳани шу соҳадагилардан бошқаси яхши тушунмаслиги керак, шекилли. Бизда бўлса соҳага масъул ташкилотлар инспекцияю турли агентликлар аниқлайдиган камчиликларни бартараф этиш, улар киритган тақдимномаларга жавоб тайёрлаш билан машғул. Бу кетиш бўлса минглаб

ташкilotлар тузилгани, вазифалар аниқлаштирилгани билан ҳеч нарса ўзгармайди.
Назаримизда, чораклик, ярим йиллик, йиллик даврийликда тайёрланаётган ҳисоботлар қабул қилиш мезонлари ишлаб чиқилиши керак. Уларда фақат эришилган натижалар эмас, балки қайси бўғинда қандай хатолик аниқландию ечимида нима қилинди саволига ҳам ойдинлик киритилиши лозим. Агар соҳа мутахассислари камчиликларни

яширишга уринса, бунга бутун тизимнинг барча масъуллари жавоб бериши шарт.
Йўқса, аниқланган камчиликка фақат қуйи бўғиндагилар айбдор қилинаверади. Ишни тўғри ташкил эта олмаган тепадагилар эса доим сувдан қуруқ чиқади. Натижада у ёки бу инспекция аниқлайдиган камомадлар, хатоликлар кўпайса кўпаядики, асло камаймайди.

Садоқат МАХСУМОВА.

ТАРБИЯ

ҚИЗ БОЛАНИ ТУРЛИ ВАЗИЯТЛАРДАН АСРАШ ОТА-ОНА ВАЗИФАСИ ЭМАСМИ?



Кейинги пайтда вояга етмаган қизларни зўрлаганлар жазодан қутулиб қолаётгани ҳақида хабарлар кўпаймоқда. Бу ҳолатларда ота-оналар ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг маълумотлари бир-бирига тескари келяпти. Бундай жиноятни содир этганларнинг жазосиз қолиши жуда ачинарли.

Ҳозирги кунда Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан Янгибозор туманида 15 ёшга қадам қўйган қизнинг маҳалладошлари томонидан зўрлангани бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Жабрдийда қизга ичинг ачийди, инсоний қиёфасини йўқотган кимсалардан нафратланасан. Лекин ушбу ҳолатга тегишли баҳо бериш бизнинг қўлимизда эмас. Бу юмушни ҳуқуқ-тартибот органларига қўйиб берайлик. Қолаверса, хотин-қизлар ҳуқуқлари билан шуғулланувчи

ташкilotлар, комиссиялар бор. Жамоатчилик назорати орқали адолат ўрнатишга таъсир қилиш мумкин.
Фақат бу ерда бир жиҳат эътиборимиздан четда қолаётган-дек. Оилада ота-оналар қиз фарзандларини қандай назорат қилишмоқда? Бундай дейишимизга сабаб, юқоридаги ҳолатда мактабдан келаётган ўқувчи қизни киракаш йигит машинасига ўтқазиб, овлоқ жойга олиб бориб номусяга тегади. Орадан 4 ой ўтгач, 2-3 киши бўлишиб, кўчадан мажбурлаб машинага миндириб олиб кетишади.

Нима демоқчимиз? Оилада ота-она қизига ёлғиз бўлган ҳолда дуч келган йигит билан мулоқот қилиб, унинг таклифини қабул қилмаслик ҳақида уқтирмаганмикан. Тўғри, биз бу ерда аниқ вазиятни билмаймиз ва бировни айблаш ниятимиз йўқ. Аммо олдинроқ шунга ўхшаш зўравонлик ҳодисасида эса қизнинг тонгда уйдан чиқиб кетиб, тажовузкорлар тузоғига тушгани айтилганди. Бошқа ҳолатларда ҳам қандайдир эҳтиётсизликлар жабрдийдаликка олиб келгани маълум.
Назаримизда,

ота-оналар турмуш ташвишларига, турли ҳою-ҳавасларга берилиб кетиб, фарзанд тарбиясини эсдан чиқаришаётир, янаям афсусланарлиси, қизларининг назоратини ўз ҳолига ташлаб қўйишмоқда. Машинаси, пули бор йигитларнинг ортидан югурадиган қизларни кўп кўрамыз. Ахир ҳаётини тажрибаси йўқ, турмуш аччиқчучугини татимаган, айниқса, ялтироқ нарсалар ақлини ўғрилайдиган қиз болани

ҳимоялаш, асраб-авайлаш энг бирламчи вазифа эмасми?
Бу билан асло гулдек қизларимизга кўз олайтирадиган зўравонларни оқламоқчимасмиз. Аммо қиз фарзанди бор оилалар унинг юриш-туриши, кўчада ўзини қандай тутишига эътиборли бўлишса, бундай аянчли воқеаларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Маҳфуза ШЕРМУҲАМЕДОВА.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Илҳом БОЛТАЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148